

MaKtab va HaYot

“ШКОЛА И ЖИЗНЬ” НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

Муассисе:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ

№4 (72)-2010

ILMIY-METODIK
JURNALI

ТАХРИРИЯТ

Бош муҳаррир Р.Ҳ.Жўраев
Бош муҳаррир А.Ш.Закиров
ўринбосари
Масъул котиб Х.У.Худайбердиев

ТАХРИРИЯТ ХАЙЪАТИ

Б.Бляхер, Б.Дониёров, Н.Муслимов,
Ҳ.Рашидов, Ў.Толипов, Ш.Эргашев,
К.Ядгарова, Ж.Шосалимов

Мусаҳҳиҳлар Г.У.Рашидова,
Е.А.Исаханова
Компьютерда териш
ва дизайн И.Рахимжанова,
М.Холиқов

Журнал
2001 йилдан чиқа бошлаган.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ

100022, Тошкент ш., Қушбеги мавзеси
16А уй, «МАКТАВ ва НАҲОТ» журнали
Тел: (371) 250-04-69
Факс: (371) 250-18-59
E-mail: maktabvahayot@sarkor.uz

Муаллифнинг фикри ҳар доим ҳам таҳририят фикрига тўғри келавермайди. Таҳририят мақолаларнинг услубий хатоларини тўғрилаш ва қисқартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Таҳририятга юборилган мақолалар эгасига қайтарилмайди ва тақриз қилинмайди.

Мнение редакции не всегда совпадает с мнением автора. Редакция оставляет за собой право на стилистическую правку и сокращение статей. Присланные в редакцию рукописи не возвращаются и не рецензируются.

Журналдан кўчириб босилганда
“MaKtab va HaYot”дан олинди,
деб кўрсатилиши шарт.

ОБУНА ИНДЕКСИ - 1019

УШБУ СОНДА

- И.КАРИМОВ - Баркамол авлодни тарбиялаш – энг олий максадимиздир 2
- С.РАЖАБОВА, Д.МАМАТОВ - Умумтаълим мактабларида ўқувчиларни касб-хунарга йўллашни такомиллаштириш технологияси 6
- П.Қ.ХОЛМАТОВ, Р.ПАРМОНОВ - Дардан ташкари машғулотларда меҳнат таълими ҳамда касбга йўналтириш ишларини такомиллаштиришдаги муаммолар ва ечимлар 8
- Р.АТАЖАНОВА - Ўқитувчи-ўқувчи муносабатида “ҳиссиёт”нинг психологик хусусиятлари 9
- Д.Ч.УМАРОВА - Ўспиринларда ҳарбий тасаввурларнинг шаклланиш соҳалари 11
- Р.ҲАСАНОВ - Тасвирий санъат дарсларида илғор педагогик технологиялар 12
- Ф.АБИДОВА, С.ШОКИРБЕКОВА - Умумтаълим мактаблари бошланғич синфларида “Саломатлик ва ҳаёт хавфсизлиги асослари” дарсларини олиб бориш усуллари 16
- С.Н.АКБАРОВА - Касбга қизиқшларни аниқлашда Л.Сонди тести натижалари 18
- Ё.ФАРФИЕВ - Раҳбарнинг коммуникатив фазилатлари 19
- М.Х.АХМЕДОВА, Н.А.АСТАНКУЛОВА - “Тикув буюмларини конструкциялаш” фани бўйича дарслик ишлаб чиқиш ва унинг имкониятлари 20
- Д.Т.ПҶЛАТОВА - Мактабгача ёшдаги фонетик-фонематик нутқ камчилигини бартараф этишда коррекцион-логопедик иш тизими 22
- З.Н.МАМАРАЖАБОВА - Кар боланинг оилада ривожланиши 25
- Р.СОДИҚОВА - Олий таълим муассасаларида ёш ўқитувчилар билан ишлашнинг педагогик-психологик муаммолари 28
- М.Т.УМАРАЛИЕВА - Ўқувчиларда билиш мустақиллиги шаклланишининг таркибий қисмлари ва даражалари 30
- Н.З.АБИДОВА - Если ребенок плохо видит 32
- Ф.Ш.РАСУЛОВА - Народная педагогика как основа воспитания народа 33
- М.М.АРСЛАНОВА - Школьная неуспеваемость и особенности речи умственно отсталых детей 35

ИЛОВА

5-СИНФДА МЕТАЛЛ КЕСИШ СТАНОКЛАРИНИ ЎРГАНИШ
УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – ЭНГ ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗДИР

И.КАРИМОВ - педагогика фанлари номзоди, доцент

Болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор.

И.А. Каримов

Лрезидентимиз И.А.Каримов томонидан 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб аталиши барча фуқароларимизни, шу жумладан ёшларни ҳам беҳад руҳлантириб юборди, десак асло муболаға бўлмайди. Бинобарин, таъкидланганидек, “... янги ... йил ҳақида, унга қандай ном бериш, бошқача айтганда, эл-юртимизнинг эзгу интилишларига жавоб берадиган устувор мақсадлар хусусида фикр алмашиб, уларни ўзимиз учун аниқ белгилаб олсак, айтиш мумкин бўларди. Шу ҳақда ўйлаганда, биз биринчи навбатда давлатимиз ва жамиятимиз тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлган, кенг қамровли мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи режа ва вазифаларни ҳисобга олишимиз зарур.

Янги йилга олдимизда турган энг долзарб мақсадларни кўзлаб ном беришнинг яна бир боиси шундан иборатки, шу тариқа биз юртимиздаги барча давлат ва нодавлат ташкилотлар, хўжалик ва корхоналар, тижорат тузилмаларининг куч ва имкониятларини қўйилган вазифани бажариш йўлида сафарбар этишни назарда тутамиз”.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, баркамол авлод тарбияси ҳақидаги ғоя бирдангина пайдо бўлган эмас. Бу ғоя бизга буюк аллома, донишманд ота-боболаримиздан мерос қолган. Хусусан, халқ оғзаки ижоди намуналарида, шунингдек, Кайковус, имом Исмоил ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Воиз Кошифий, Саъдий Шерозий, Аҳмад Дониш, Баҳовуддин Нақшбанд ва бошқа кўплаб оташқалб, маърифатпарвар алломаларимизнинг асарларида ёш авлодни ҳалол меҳнат қилишга, турли хил касб-ҳунарни эгаллашга ўргатиб бориш, комил инсон қилиб тарбиялаш ҳақидаги ўғитлар берилган. М.Бехбудий, А.Фитрат, Ҳ.Ҳ.Ниёзий каби педагоглар эса ўзларининг янги усулда ташкил этган мактабларида илк бор ўқитишда ёшларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг эвристик усулларини татбиқ қилдилар. Моҳир педагог Фитрат ақлий тарбия ўқиш-ўрганиш орқали амалга оширилишини таъкидлаган эди.

Аждодларимизнинг мана шундай доно ўғитлари ва кўрсатмаларига амал қилинган ҳолда мамлакатимизда кейинги йилларда, хусусан, мустақиллик йилларида ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки мамлакатимизда аҳолининг катта қисмини,

яъни 64 фоизини ёшлар, шунингдек, жами оилаларнинг 16 фоизини ёш оилалар ташкил этилишини ҳисобга олсак, ҳақиқатан ҳам бу ишларнинг нақадар муҳим ва масъулиятли эканлигини ҳис этамиз. Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган бир қатор Фармон ҳамда Қарорларда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ўз қобилиятларини ва истеъдодларини намоён қилишга катта эътибор берилмоқда. Бунда биз фақат касб-ҳунар эгаларини эмас, балки ижодкор шахсларни тарбиялашни ўз олдимизга муҳим масала қилиб қўймоғимиз зарур.

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, интеллектуал бойликларни эгаллашга йўллашнинг муҳим омилларидан бири – уларда ижодкорлик кўникмаларини шакллантириб ва ривожлантириб боришдир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ижодкор шахсни тарбиялаш ишларини мактаблардаги ўтиладиган машғулотларининг мақсади ва вазифаларининг асосий мезони қилиб белгилаб олмоғимиз даркор. Ижодий фаолият анча кенг маънодаги тушунчадир. Бу фаолият меҳнатнинг ижодий йўналиши (меҳнатни ташкил этиш, унинг мазмуни, усулларини тадқиқ этиш) билан тавсифланади. Ижодий фаолият ечими илгари маълум бўлмаган масалаларни қўйишни ёки фикрларни шакллантиришни тақозо этади. Муаммони ҳал қилишга қаратилган ижодий фаолият муаммонинг ечимларини топиш, таққослаш ва танлаш – изланувчанлик кўринишига эгадир.

Маълумки ҳамма вақт ҳам ёш авлодни тарбиялаш, уларга билим, касб-ҳунар ўргатиш ҳар бир давлатнинг диққат марказида турган асосий масалалардан бири бўлган. Чунки бусиз ҳеч қайси давлатнинг, ҳеч қайси жамиятнинг тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Тараққиёт – тарихий зарурат. Бироқ фақатгина ақлий, ахлоқий ва жисмоний томондан баркамол бўлган авлодларгина мамлакат ва жамиятнинг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсата олади. Шу сабабли ҳам ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш ҳар қандай жамиятнинг энг муҳим, энг долзарб, энг олий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Баркамол авлод ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, албатта. Балки бу машаққатли меҳнат, узлуксиз таълим-тарбия ишлари маҳсули сифатида юзага келади. Шундай экан, болаларни, ўқувчиларни, бир сўз билан айтганда, ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш, катта ҳаётга тайёрлаш ишларига жамиятнинг ҳар бир етук аъзоси масъулдир. Ҳар бир боланинг қандай

шахс бўлиб етишиши энг аввало оила муҳитига, ота-она тарбиясига, уларнинг шахсий намунасига боғлиқ, албатта. Шу билан бирга бола қалбига йўл топа оладиган, уни баркамол қилиб тарбиялашга ўзининг салмоқли ва улкан ҳиссасини қўшадиган кишилар ҳам бор. Бунда, айниқса, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Чунки муҳтарам юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: **“Агар ота-она вужуд меъмори бўлса, ўқитувчи қалб меъморидир”**.

Ҳеч бир инсон йўқки, унга ўқитувчининг машаққатли меҳнати, қалб қўри сингмаган бўлса. Ҳар бир инсон унга биринчи марта ҳарф танитган, ўқишни-ёзишни ўргатган ўқитувчисини, илм-фан сари етаклаган, касб-ҳунар ўргатган устозини доим ҳурмат билан эсга олади, умрбод унутмайди. Ҳа, ўқитувчилик мана шундай шарафли ва айна пайтда ўта мураккаб бўлган касбдир. Бундай касбни эгаллаш, бу касбда ишлаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Чунки бу касбда ишлаш учун кишида сабр-тоқат, метиндек бардош, болажонлик хислатлари бўлиши зарур. Болаларни севадиган, уларни тушуна оладиган, кези келганда уларнинг айбини кечира оладиган оқ кўнгил кишиларгина ўқитувчи бўлиши мумкин. Шунда беихтиёр **“Устоз – отангдек улуғ”** деган мақол эсга келади. Бу мақол **“Устоз – отангдан улуғ”** шаклида ҳам қўлланилган. Бунда адашилганми ёки атайлаб айтилганми, ҳайтовур бу мақолнинг замирида ҳам ўзига хос маъно бор. Масалан, шундай вазиятлар бўладик, ўз фарзандингга айтолмайдиган гапларингни ўқувчингга, шогирдингга айтасан, уни тўғри йўлга бошлайсан. Шунда бу мақолнинг нақадар ҳаётий, серқирра эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Шундай қилиб, **ўқитувчи – келажак бунёдкори**, деб аташга ҳар томонлама асосимиз бор.

Яна бир гап. Ҳозирги пайтда таълим олишнинг турли замонавий усуллари, жумладан интернетдан фойдаланиш кенг оммалашиб бормоқда, янги-янги замонавий адабиётлар кўплаб чоп этилмоқда. Булар яхши, албатта. Лекин таълим олишда ёки таълим беришда бари-бир **ўқитувчининг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди**. Чунки жонли мулоқот, жонли мушоҳада орқали ҳосил қилинган билим янада чуқурроқ, кенгроқ ва ҳаётий бўлади. Шундай йўл билан бундай сабоқларнинг теранлиги, мустаҳкамлиги таъминланади. Бинобарин ўқувчи-талабалар кўплаб қўлланма ва дарсликлардан тополмаган биргина сўзни ўқитувчининг дарсида эшитиши мумкин. Инсон табияти ўзи шунақа тузилган экан, агар у бирор тушунчани ёки ҳатто бирор сўзни бировдан эшитмаса, шу нарсани умрбод билмаслиги ҳам мумкин экан.

Халқимиз ўқитувчини жуда қадрлайди. Тилимизда ўқитувчи сўзига синоним тарзида муаллим, устоз, устод, уста, мураббий, тарбиячи каби атамалар ҳам қўлланилади. Илмий тилда кўпроқ педагог деб юритилади. Халқимиз эса лўнда қилиб **“домла”** деб атайди. Ўқитувчига нисбатан ҳурмат ва иззат шу сўзда ўз аксини топган. **“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”** да домла атамасига **“Ҳар қандай илми**

кишига ҳурмат билан мурожаат этиш шакли”

деб таъриф берилган. Қадимда ҳам домла деб илм-маърифатли, одамларни тўғри йўлга бошлайдиган, уларга тўғри маслаҳат берадиган, тўғри йўлни кўрсатадиган кишиларни айтишган. Бинобарин ёшларга таълим-тарбия бериш – ўта нозик ва жиддий ишдир. Бу ишда адашиб бўлмайди. Чунки, агар қиёс қиладиган бўлсак, мабодо муҳандис адашса – бирорта қурилма, механизм ёки машина ишдан чиқади. Агар қурувчи адашса – бирорта бино кўримсиз бўлиши мумкин. Агар табиб адашса – бирорта бемор азият чекади. Албатта булар ҳам қувонарли эмас. Лекин агар ўқитувчи адашса – бутун синф, гуруҳ издан чиқади, ўз навбатида улар яна қанча болаларни издан чиқариши мумкин! Шунинг учун **таълим-тарбия ишларида ўқитувчининг адашишга ҳаққи йўқ. Агар ўқитувчи адашадиган бўлса – бутун жамият издан чиқади!**

Мана шу нуқтаи назар давлатимизнинг, шахсан давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг ҳамиша диққат марказида турибди, десак муболаға бўлмайди. Буни Президентимизнинг бир қатор нутқларида, асарларида ўқитувчи фаолияти ҳақида айтган фикрларидан ҳам билиш мумкин. Хусусан Президентимиз **“Юксак маънавият – енгилмас куч”** номли китобида ўқитувчилик касби ва фаолияти ҳақида шундай деб ёзади: **“Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аجدодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот – ўқитувчи ва мураббийларнинг олибжаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз. ... Мухтасар айтганда, мактаб деган улуг даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажagini ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди”**.

Бинобарин мустақиллик йилларида ўқитувчи шахсини улуглаш, уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш, иш ва турмуш шароитини яхшилаш соҳасида бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Биргина таълим соҳасида учта катта қонуннинг, яъни **“Таълим тўғрисида”**, **“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”**, **“2004-2009 йилларда мактаб таълимини такомиллаштириш умуммиллий давлат дастури тўғрисида”** ги қонунларнинг қабул қилиниши фикримизнинг далилидир. Бошқа соҳаларда қисқа вақтда бундай кўп қонун қабул қилинмаганлиги ҳам мазкур соҳадаги ишларнинг нақадар долзарблигини кўрсатади. Бинобарин бошқа айрим соҳалар, масалан, иқтисодними, тиббиётними, фермерликними, спортними, халқ ҳунармандчилигиними ёки бошқа соҳаними ривожлантириш ҳақида қонун ва қарор қабул қилинар экан, уларнинг бир чети албатта ўқитувчилик, яъни кадрлар тайёрлаш масаласига бориб тақалади.

Мана шу ҳолатлар ҳам бевосита

ўқитувчиларнинг, устозларнинг давлат ва жамият тараққиётидаги ўрнини кўрсатади.

Ҳозирги пайтда ўқитувчи шахсига қандай талаблар қўйилади?

Ўқитувчи қадай инсоний ва касбий сифатларга эга бўлиши керак?

Маълумки, ҳар қандай ўқитувчи билиш ва билган нарсаларини ўргата олиш қобилиятига ҳамда болажонлик хислатига эга бўлиши зарурдир. Шу билан бирга ҳозирги пайтда ҳар бир ўқитувчи учун ижодкорлик қобилияти ҳам хосдир. Чунки *буғуни кунда мустақил республикамизга мустақил фикрловчи ва ижодкор мутахассислар жуда зарур*. Бундай мутахассисларни биринчи навбатда ижодкор ўқитувчилар етиштиради. Бинобарин мантиқан олиб қараганда *ўқитувчилик – ижодкорликни талаб қилади*. Чунки таълим-тарбия жараёни – ўқитувчи учун узлуксиз ижодий фаолиятдир. Масалан ўқитувчи ҳар бир боланинг ўзига хос характери – феъл-атвориға қараб иш юритиши зарурлиги, бир хил мавзунини ҳатто иккита параллел синфда бир хил кўринишда ўта олмаслиги сир эмас. Чунки бунда синфдаги ўқувчиларнинг шахсий билиш хусусиятларини, уларнинг дарсга бўлган муносабатини, ўзлаштиришини ҳисобга олишга тўғри келади. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир дарснинг, тарбиявий ишнинг қатъий “рецепти” мавжуд эмас. Мана шу ҳолатларнинг ўзиёқ ўқитувчидан ижодкорона, моҳирона фаолият юритишни тақозо этади. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, фақат ўқитувчининг ўзи ижодкор бўлиб қолмай, балки машғулотларда ўқувчиларнинг ҳам ижодкорлик қобилиятини ўстириши, уларда топқирлик, юзага келган қийин вазиятлардан осонлик билан чиқиб кета олиш каби хислатларни ҳам таркиб топтириб бориши керак. Бунинг учун эса аввало ўқитувчининг ўзи ижодкорлик қобилиятининг моҳиятини, ижодкорлик ишини ташкил этишнинг шакл ва усулларини, бу ишларнинг ўзига хос педагогик-психологик жиҳатларини билиши зарур.

Педагогика ва психологияга оид илмий-услубий адабиётларда ёритилишича, ижодкорлик қобилияти ҳамма ёшдаги кишиларга хосдир.

Педагогика фанидаги муаммолардан бири эса мактаб ўқувчилари билан катта ёшдаги кишиларнинг ижодий фаолияти орасидаги туб фарқларни аниқлашдан иборат. Психологларнинг таъкидлашича, болаларнинг ва катталарнинг ижодий фаолият жараёни умумий психологик асосга эга бўлиб, у уларнинг ёшига боғлиқ эмас. Яъни ижодий фаолият жараёни – излаш, изланиш, муаммонинг ечимини топиш ишлари болаларда ҳам, катталарда ҳам психологик томондан бир хил кечади. Бироқ бу жиддий фаолиятнинг пировард натижаси принцип жиҳатдан турлича бўлиши мумкин. Яъни катталар билими ва ҳаётий тажрибаси нисбатан кўп бўлганлиги учун жамиятга, фанга номаълум бўлган янгиларни кашф этсалар, болалар, ўқувчилар билими ва тажрибаси кам бўлганликлари сабабли анча илгари очилган янгиларни қайтадан “кашф” этишлари мумкин.

Америкалик психолог Ж.П.Гильфорднинг фикрича, ижодкорлик фақатгина талантли, буюк шахсларгагина эмас, балки, оддий, нормал ҳолдаги ҳар бир шахсга хос бўлган хусусиятдир. В.В.Давидов, М.Г.Давлетшин, А.Н.Лук, Т.В.Кудрявцев А.Я.Пономарёв каби тадқиқотчилар ҳам бу фикрни ўзларининг илмий тадқиқотларида тасдиқлаган. Академик Б.Кедровнинг ёзишича, ижодкорлик билиш жараёнида инсон онгида юзага келадиган психологик тўсиқларни енгиб ўтишдан иборат. Шундай қилиб, ижодий фаолият фавқуллодда мураккаб психологик жараён бўлиб, бир қатор ички ва ташқи, объектив ва субъектив омиллар, хусусиятлари билан ифодаланadi. Буларга ижодий жараённинг турли босқичларида ақлий фаолият, ички туйғу (интуиция) ва ҳаёлот (фантазия)нинг ривожланганлиги қай даражада эканлиги кабиларни кўрсатиш мумкин.

Инсоннинг ҳар қандай соҳадаги, жумладан, ижодий фаолиятдаги ютуғи энг аввало ундаги мавжуд қобилиятларга боғлиқ эканлиги сир эмас. Чунки қобилият – инсоннинг маълум ишларни бошқаларга ва бошқа ишларга нисбатан тез ва қулай амалга оширишига имкон берувчи ўзига хос шахсий психологик хусусиятидир. Педагогика ва психология фанларидан маълумки, қобилият инсонда тугма ҳолда юзага келади. Кейинчалик бирор фаолият орқали бу қобилиятлар шакллантирилади ва ривожлантирилади. Ижодий қобилият, бу қобилиятнинг даражаси, уни ривожлантириш ҳар бир инсоннинг шахсий руҳий ҳолати, ташаббускорлиги, мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Айрим тадқиқотчилар ижодкорликни ахлоқий ва гоёвий қарашларни тез ўзлаштириш имконини беради, деб таъкидлайдилар. Демак, юқоридагилардан кўринадики, ўқувчиларнинг ижодий ишларини, ижодий фаолиятини ташкил этиш мураккаб жараён бўлиб, бу жараённинг ўзига хос педагогик ва психологик жиҳатлари, томонлари мавжуддир. Жумладан, психологик жиҳат инсондаги маълум ижодий қобилиятнинг юзага келиши ва ривожланиши (масалан, бирор фикрни ўзгартириш, бошқа соҳада қўллаш олиш; муаммони кўра олиш ва баҳолаш; объектнинг тузилишини идрок қилиш; маълум нарсаларни четлаб ўтиб янгича ёндашиш усулларини яратиш; стандарт ҳолатни янгича кўра олиш; ҳодисалардаги янги боғлиқликларни топиш ва ҳ.) дан иборат бўлса, педагогик жиҳат муайян ижодий фаолиятга жалб этиш, бу фаолиятнинг мазмуни, уни ташкил этиш усуллари ва шароитларини ишлаб чиқиш, бу фаолиятнинг инсонга кўрсатган таъсирини ўрганишдан иборат. Юқорида таъкидланганидек, ижодкорлик тушунчаси кенг қамровли бўлиб, ижодкорлик деганда инсоннинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда табиий ва маънавий дунёни ўзгартириш фаолияти тушунилади. Демак, ижодкорлик инсоннинг янгиларни яратиш, илгари мавжуд бўлмаган нарсаларни яратиш, қонуниятларни очиш, уларни сифат жиҳатидан янгилаш соҳасидаги фаолиятидир.

Таниқли ўзбек психолог олими Э.Ф.Ҳозиевнинг фикрича ижодий ишларда тафаккурнинг

мустақиллиги катта аҳамиятга эга. “Тафаккурнинг мустақиллиги деганда, - деб таъкидлайди профессор Э.Ф.Ғозиев, - кишининг шахсий ташаббуси билан ўз олдига конкрет мақсад, яъни вазифалар қўя билиши, улар юзасидан амалий ва илмий характердаги фараз (гипотеза)лар қилиш, натижани кўз олдига келтира олиш, қўйилган вазифани ҳеч кимнинг кўмагисиз, кўрсатмасисиз, ўзининг ақлий изланиши туфайли турли йўл, усул ва воситалар топиб мустақил равишда ҳал қилишдан иборат ақлий қобилиятини тушуниш керак”.

Яна бир таниқли психолог Т.В.Кудрявцевнинг фикрича, техник тафаккур техник ижодкорликнинг асосини ташкил этади. У техник тафаккурни масала шартини англаш ёки тушуниш, уни ҳаёлан тасаввур қилиш ва амалда бажара олиш қобилиятларидан иборат, деб ҳисоблайди. Демак, юқоридаги фикрларга асосланиб, шуни айтиш мумкинки, ижодий фаолият натижаси болалар ва катталардаги тафаккур доирасига боғлиқ экан. Тафаккур доираси қанча кенг бўлса, мустақил бўлса, ижодкорлик ҳам, ижодий фаолият ҳам шунча юқори савияда бўлади.

Маълумки, ҳар қандай ижодий фаолиятнинг пировард натижаси бирор янгиликни, ихтирони кашф этиш билан тугайди. Мазкур кашфиёт ўз мазмунига кўра объектив (ҳамма учун янгилик), субъектив (фақат ўзи учун янгилик), хусусий (фақат ўзи ёки алоҳида-алоҳида ҳолда фойдаланиш) ва умумий ёки ижтимоий (бутун жамият ёки кўпчилик фойдалана оладиган) кўринишларда бўлади. Агар катталарнинг ижодий фаолияти кўпинча объектив ва ижтимоий кўринишдаги янгиликларни кашф этиш билан тугалланса, ўқувчилардаги бундай ижодий фаолият натижалари эса кўпинча субъектив ҳамда хусусий кўринишдаги янгиликларни яратиш билан ниҳоясига етади. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, айрим ҳолларда ўқувчиларнинг ижодий фаолияти ҳам объектив янгиликларни яратиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунга кўра болалардаги, яъни ўқувчилардаги ижодкорлик қобилиятини шартли равишда уч хил даражага бўлиш мумкин:

1-даража – қуйи даража. Бунда ўқувчилар томонидан топиладиган янгиликлар асосан субъектив кўринишда бўлади. Яъни бунда ўқувчилар илгаридан маълум бўлган янгиликларни бошқатдан “кашф” этадилар. Натижада бу янгилик фақат шу ўқувчининг ўзи учунгина янгилик бўлади. Бироқ бу жараён ҳам осон кечмайди. Чунки мазкур жараёнда ҳам ўқувчи кучли психологик ҳолатларни – масала моҳиятини тушуниш, англаш, тасаввур этиш, масала ечимини қидириш, айрим ечимларни таққослаш каби жараёнларни бошидан кечиради. Шу сабабли, гарчи, натижа илгаридан маълум бўлса ҳам, айнан шу натижага келишнинг ўзиёқ ўқувчида келгусида уни объектив ижодий фаолиятга ўтиши учун замин вазифаси бўлиб хизмат қилади.

2-даража - ўрта даража. Бунда ўқувчилар томонидан топилган янгиликлар ҳам субъектив, ҳам объектив кўринишларда бўлади. Яъни бу даражага эришган ўқувчиларда янгилик яратиш усуллари билан мунча яхши эгаллаганлик, янгилик яратиш

соҳасида бир мунча тажрибалар, ҳосил тўпланган ҳолатларини кузатишимиз мумкин. Шу даражага эришган ўқувчиларга келгусида яхши эътибор берилса, уларнинг ижодкорлик қобилиятлари янада ривожлантирилса – улар айрим қийинчиликларни енгиб ўтиб, учинчи, яъни энг юқори даражага чиқа оладилар.

3-даража – юқори даража. Бунда ўқувчиларнинг топган янгиликлари асосан объектив кўринишида бўлади. Бироқ бу даражага эришиш осон эмас. Бунинг учун аввало ўқувчининг ўзида интилиш, қизиқиш бўлиши, ўқитувчи эса бунинг ўз вақтида пайқай олиши ҳамда ўқувчининг ижодкорлик қобилиятини ўстириш тадбирларини амалга ошириб бориши керак.

Худди мана шундай даражаланишни ўқитувчининг педагогик фаолиятига ҳам татбиқ этиш мумкин. Бунда асосан анъанавий усулларда ўқувчиларни фаоллаштирмай ўтилган дарсларни – қуйи даража; ҳам анъанавий, ҳам ноанъанавий усулларни қўллаб, ўқувчиларнинг фаоллигини оширишга қаратилган дарсларни – ўрта даража; асосан ноанъанавий усулларни қўллаб ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаши таъминланган дарсларни – юқори даража деб олиш мумкин.

Бундан кўринадики, биз ўқувчиларимизга билим асосларини бериш билан бирга уларда топқирлик, ижодкорлик, мустақил фикрлаш ва ишлаш олиш каби қобилиятларини ҳам ривожлантиришимиз керак. Чунки Мустақил республикамизнинг равнақи учун мустақил, ижодкор ишчи-хизматчилар ҳар қачонгидан ҳам ҳозир зарур. Бинобарин бусиз ҳеч қайси давлатнинг, ҳеч қайси жамиятнинг тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Дарҳақиқат, агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, инсоният тараққиётининг барча даврларида ижодий меҳнат башариятни олға ҳаракатлантирувчи асосий омил бўлиб келган. Шундай экан, ёш авлодни ижодий ишлашга, ижодий меҳнатга ўргатиш, уни ўз замонасининг энг илғор билимлари билан қуроллантириш ҳамма халқлар учун энг долзарб вазифа ҳисобланган.

“... Барча эзгу ниятларимизнинг марказида, - деб таъкидлаган эди юртбошимиз И.А.Каримов, - фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради ...”.

Ҳа, ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш, бирор касб-ҳунарга ўргатиш, уларни ақлий, ахлоқий, жисмоний томондан баркамол қилиб тарбиялаш – умумдавлат, умумхалқ аҳамиятига эга бўлган муҳим иш бўлиб, бу бизнинг энг олий, энг буюк, энг муқаддас мақсадимиз ҳисобланади. Шунинг учун бу ишга жамиятнинг ҳар бир етук аъзоси масъулдир ва қўлидан келганича, имконияти борича ҳисса қўшиши зарур.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎЛЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

С.РАЖАБОВА - Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси
Д.МАМАТОВ - Низомий номидаги ТДПУ аспиранти

Дарсдан ташқари таълим мазмунини миллий анъаналар ва қадриятларимиз, Республика ҳудудлари талаблари асосида ташкил этиб, унинг тармоғини кенгайтириш, замон талаблари даражасида ислоҳ қилиш кун тартибидан турган долзарб масаладир. Ҳозирги пайтда янги педагогик ва ахборот технологияси қонуниятлари асосида педагог олимларимиз дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этишнинг турли шакл ва методларини ишлаб чиқиш йўналишида муайян тадқиқотларни олиб бормоқдалар. Алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, айти вақтда таълим технологияси тушунчасини мантикий-ғоявий жиҳатдан изоҳлаш борасида ягона фикр мавжуд эмас. Хусусан, педагог олим В.П. Беспалько педагогик технологияни «амалиётга татбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси» дея таърифлайди ҳамда асосий диққатни ўқув-педагогик жараёни олдиндан лойиҳалашга қаратади. Биз қатор адабиётларни ўрганиш жараёнида касб танлашга йўллаш тушунчасига берилган таърифларни таҳлил қилиб чиқдик, билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, касб танлашга йўллаш технологиясини «**Касб танлашга йўллаш технологияси-ўқувчи ёшларнинг хоҳишлари, мойилликлари ва шаклланган қобилиятларига асосан жамият ва халқ хўжалигининг эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда иш билан таъминлашни оптималлаштиришга қаратилган педагогик тизим лойиҳасини амалга ошириш**» деб таърифладик. Таълим жараёни педагогик технологияларнинг асосини, негизини ташкил этади ҳамда таълим мақсади, таълим мазмуни, таълим олувчи, таълим шакли, метод, воситалари ва таълим берувчи каби унсурлардан иборат тизим сифатида намоён бўлади. Таркибий унсурлар ўзаро бирлик ва алоқадорликда таълим жараёнининг умумий моҳиятини ёритишга хизмат қилади.

Таълим жараёни қандай шаклда ташкил этилишидан қатъий назар қуйидаги шаклда келтирилган шартларга жавоб бериши талаб қилинади.

Янги педагогик технологиялар таълим жараёнини ҳар томонлама мукамал лойиҳалаштириш, аниқ мақсадлар қўйиш ва уларга кафолатланган ҳолда эришиш, режалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи узвий боғланган компонентлар йиғиндиси ҳисобланди. Ушбу қоидадан келиб чиққан ҳолда ҳар бир касб-ҳунарга доир

ўтиладиган мавзуга кенг қамровли лойиҳа ишлаб чиқилди. Мажмуанинг таркибига лойиҳага қўшимча мавзуга даҳлдор бўлган барча ахборотлар, компьютер сайти, тарқатма материаллар, маълумотномалар, манбалар, улардан фойдаланиш методикаси киритилди (1-шакл).



1-шакл. Таълим жараёнини ташкил этиш шартларининг умумий тузилмаси.

Юқорида келтирилган таълим жараёнини ташкил этиш шартлари асосида дарсдан ташқари тўғрақ ишлари юзасидан тематик режа ҳамда дастур ишлаб чиқилди. Тажриба-синов натижаси шуни кўрсатдики, таълим жараёнини ташкил этиш шартлари асосида тузилган дастур талаблари натижасида ўқувчиларда касб-ҳунарга йўналтириш ишлари самарали амалга оширилди. Юқорида қўлга киритилган натижалар асосида дарсдан ташқари машғулотларни ташкил қилишда касбга йўналтириш ишлари технологиясининг функционал тузилмаси бевосита таълим жараёнининг моҳиятини тўлақонли ёритишга хизмат қилади. Яъни, ушбу тузилма ўзида таълим жараёнининг умумий кўринишини акс эттиради.

Ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларининг, жамиятда мавжуд касблар доирасининг кенгайиб, чуқурлашиб ҳамда мураккаблашиб бориши ўз-ўзидан шахсга таълим бериш, дунёқарашини шакллантириш, касб танлашга йўллаш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнидаги фаол иштирокининг кафолати бўлган касбий малакаларини шакллантириш жараёнига нисбатан янгича, самарали ёндашувларни ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёжини юзага келтиради.

Маълумки, таълим тизими жамиятда шаклланган муайян эҳтиёж асосидаги ижтимоий буюртмани бажаришга йўналтирилади (2-шакл).



2-шакл. Дарсдан ташқари машғулотларни ташкил қилишда касбга йўналтириш ишлари технологиясининг функционал тузилмаси.

Биз томондан ишлаб чиқилган функционал тузилмада дастур бўйича ўтказиладиган мавзу лойиҳалаштирилган. Кўрилган асосий масалада мавзуга оид асосий саволлар, таянч тушунча, иборалар, ўқитувчининг ва ўқувчининг мақсадлари, мавзунинг баёни ҳамда мавзудан келиб чиққан назорат топшириқлари ўрин эгаллаган. Мавзу лойиҳасининг узвий боғланган компонентлари таркибий қисмлари сифатида ўқувчиларнинг таълим тарбияга эришилганлик натижаси, ташқи объектив омилларда маҳаллий ва минтақавий ҳудудда жойлашган (таълим муассасалари ва корхоналар таъсири), ички субъектив омилларда ўқувчининг индивидуал психик ривожланиш даражаси (қизиқиши ва қобилияти ва ҳ.к), уларнинг ривожланишини таъминловчи асосий омиллар ҳисобга олинади. Айтиш мумкин, Ўзбекистон Республикасида баркамол шахсни шакллантириш, келажак ҳаётда ўз ўрнини топиши ва рақобатбардош касб эгаси сифатида тарбиялаш талаби ижтимоий буюртма сифатида юзага келмоқда.

Бозор муносабатларига асосланган ижтимоий ривожланиш қонуниятларидан бири жамиятнинг барча соҳалари, жумладан, касб эгаллашдаги рақобатнинг пайдо бўлишидир. Ижтимоий рақобат бу таҳлитда мавжуд бўлиши мўътадил фаолият юритиш, рақобатга нисбатан ишчанлик иммунитетини ҳосил қилиш, рақобатчиларга нисбатан юқори рақамли мавқе учун курашишга замин яратади. Шу боис фуқароларда таълим олиш, назарий ва амалий билимларни ўзлаштириш, касб эгаллашга нисбатан онгли ёндашув ҳисси қарор топмоқда. Бу эса уларда

жамият эҳтиёжлари асосида касб танлашга бўлган рағбатни ҳосил қилмоқда. Эндиликда таълим олиш, муайян касб-ҳунар ёки мутахассислик маълумотларини эгаллаш, бу борада маълум кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳаётини эҳтиёжга айланмоқда. Таълим олишга бўлган рағбат ва унинг мазмуни касб эгаллаш жараёнининг муваффақиятли амалга ошишида кафолат бўла олади.

Шахсий ва жамият эҳтиёжларига асосланган ҳолда касб танлашга йўллаш ўқувчи ҳамда ўқитувчи муносабатлари, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Яқин ўтмишда таълим олувчининг таълим жараёнидаги иштироки назарий билимларни қабул қилиб олувчи ва ўзлаштирилган назарий билимлар, амалий кўникмаларни намойиш этувчи субъект сифатидаги ўрни билан кифояланган бўлса, таълим технологияси талабларига кўра таълим олувчи таълим жараёнининг етакчи субъекти, асосий ижроچиси сифатида кўринади. Эндиликда таълим олувчи таълим берувчи томонидан узатилаётган ахборот (билим)ларни қабул қилмайди, балки таълим берувчининг йўлланмаси, кўрсатмасига мувофиқ тавсия этилган ўқув манбалари билан мустақил равишда танишиш орқали назарий билимларни ўзлаштиради, таълим берувчи назорати остида амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилади.

Таълим олувчи мустақил фаолият юритиш, назарий билимларни ўзлаштириш асосида ўзида фикрни илгари суриш, далиллар келтириш, ўз фикрини ҳамоя қилиш лаёқатини тарбиялай олиши, ўз-ўзини танқид қилиш, ўз-ўзини баҳолаш сифатларини қарор топтира олиши талаб этилади. Давр талаби таълим олувчини таълим жараёнининг султ тингловчиси бўлишдан фаол иштирокчисига айлантиришни тақозо этмоқда.

Ўқувчининг таълим жараёнидаги етакчилик роли қуйидаги педагогик вазифаларни ҳал этиш имконини беради:

- 1) ўқувчида бўлажак касби тўғрисидаги билимларни ва маълумотларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжни қарор топтириш;
- 2) касб танлашга нисбатан онгли ёндашувни шакллантириш;
- 3) мустақил фаолият юритиш кўникмаларини шакллантириш;
- 4) ўқувчиларда мустақил фикр юритиш, назарий ва амалий билимлар моҳиятини таҳлил этиш, улар борасида хулосалар чиқариш, умумлаштириш ҳамда уларни ўз амалий фаолиятига татбиқ этиш кўникмаларини юзага келтириш ва такомиллаштириш;
- 5) ўз-ўзини назорат қилиш, қиёсий баҳолаш, таҳлил қилиш сифатларини шакллантириш.

Хулоса қилиб айтганда ўз навбатида ўқувчиларнинг ёш, психологик, физиологик хусусиятлари, билим даражаси, дунёқарашининг кўлами ҳамда уларнинг фаоллиги самарали, илғор, ноанъанавий таълим шакли, метод ва воситаларини танлаш, улардан мақсадга мувофиқ даражада фойдаланиш учун тўртки бўлади.

ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА, МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ҲАМДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

П.Қ.ХОЛМАТОВ - Гулистон Давлат Университети доценти, п.ф.н.

Р.ПАРМАНОВ - Гулистон Давлат Университети катта ўқитувчиси

Бугунги кунда, таълим-тарбия муассасаларида ўқитилаётган меҳнат таълими ва касбга йўналтиришда анъанавий тартибдаги ўқув машғулоти, дарсдан ташқари машғулоти сифати, мазмуни, тизими мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва мустақил тараққиёт талабларига жавоб бера олмай қолди. Кузатиш ва таҳлилларимиздан шу нарса маълум бўлдики, умумтаълим мактабларидаги анъанавий тизимдаги касбга йўналтириш ишлари жараёнида дарсдан ташқари машғулоти замонавий таълим методлари, педагогик ва ахборот технологиялари талаблари асосида ташкил этилмаган.

Машғулоти ўтказиш учун методик қўлланмалар етишмайди ва мавжудлари ҳам ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди.

Касбга йўналтириш ишларини республикамиз таълим ислохотлари талаби даражасида йўлга қўйиш, республикамиз ва ривожланган хорижий давлатларда бу борада тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиб, ижодий татбиқ қилиш давр тақозоси ҳисобланади.

Тадқиқотимизни олиб боришда мактабларда дарсдан ташқари машғулоти ташкил қилишда касбга йўналтириш машғулоти қуйидаги шакллари мавжудлигини кузатдик.

- дарсдан ташқари ишлар:

а) турли соҳалар бўйича ташкил этиладиган тўғараклар;

б) ўқув устахонасидаги амалий ишлаб чиқариш машғулоти;

в) ишлаб чиқариш саёҳатлари;

г) мактаб ўқув-тажриба ер майдонида ишлаш;

д) жонли бурчак ташкил этиш ҳамда иссиқхоналардаги фаолият;

е) ташкил этиладиган ҳашар ва шанбаликларда иштирок этиш;

ё) синфда, синфлараро, мактаблараро, туман, вилоят, республика миқёсида ўтказиладиган кўрик мусобақаларда иштирок этиш;

ж) турли оммавий тадбирларда қатнашиш кабилар.

- мактабдан ташқари ишлар:

а) гуруҳли ва ижара пудратида ишлаш;

б) қўшма, хусусий ва давлат корхоналари фаолиятида иштирок этиш;

в) оилавий меҳнат, касб-ҳунар, ҳунармандчилик;

г) ишлаб чиқариш саёҳатларини ташкил этиш;

д) мавсумий ишларда иштирок этиш;

е) ҳомий ва оталиқ корхоналари билан шартномалар асосида буюртмаларни бажариш.

Кузатувларимиз давомида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллашга оид дарсдан ташқари машғулоти ташкил этишда ўқувчиларнинг қизиқишлари ва майллари, ушбу соҳани ўрганишнинг умумий ҳолати, сифат даражаси билан танишиш ва таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Бу ишларни олиб боришда ўқитувчи ва ўқувчилар билан ролли ўйинлар, тест, сўровнома, суҳбат, кузатиш каби методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Умумтаълим мактабларида касб-ҳунарга йўллашга асосланган дарсдан ташқари машғулоти ташкил қилишда ўқувчиларнинг ёш, руҳий, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни меҳнат таълими ва касбга йўналтиришда ўсимликларни парвариш қилиш, ҳунармандчилик жиҳоз(материал) лари билан таништириш ва ишлов беришда меҳнат кўникма ва малакаларини шакллантириш зарур. Шу билан бирга, уларнинг қизиқиши ва мойилликларига кўра ўзини ўзи касбий жиҳатдан аниқлаш, касб-ҳунар турларини танлаш, ҳунармандчилик соҳалари ва уларда ишлатиладиган асбоб-ускуна, янги техника, илғор технологияларни ўрганиб боришлари ҳамда меҳнат фаолиятида иштирок этишлари керак. Дарсдан ташқари машғулотида касб-ҳунарга йўллаш ишларининг ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашув, суҳбат, баҳс, саёҳат, кўрик, мусобақа, меҳнат амалиёти, ўқувчилар меҳнат уюшмаси каби шаклларининг мазмунини замон руҳига мослаштирилиши мақсадга мувофиқ. Дарсдан ташқари машғулоти шакллари самарали равишда амалга ошириш, умумтаълим мактаблари, оила, маҳалла-жамоатчилик, ишлаб чиқариш корхоналари, халқ ҳунармандлари, усталарининг иш тажрибалари ўқув жараёнида фойдали меҳнат маҳсулотларини тайёрлаб, таълим муассасаларининг бозор иқтисодиётини амалга оширишда қатнашиши ва моддий жиҳатдан кафолатланишига ёрдам берувчи омиллардан бири ҳисобланади. Дарсдан ташқари машғулоти шакллари ташкил этиш, жумладан, тўғараклар, кўрик, мусобақа, мунозарали баҳс, учрашув, ҳар хил турдаги ўйин, кўргазмалар чиқиш, саёҳат ва шу кабилардан фойдаланиш таълимни самарали амалга оширишнинг муҳим шаклларида ҳисобланади. Дарсдан ташқари машғулоти ўқувчиларнинг фанлардан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлайди, дунёқарашини шакллантиради ва бу таассуротлар уларнинг ижодий қобилиятларини ўстиради ҳамда бадиий-эстетик дидини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўз вақтида режали, тартибли ўтказилган

машғулотлар ўқувчиларнинг ҳар бир тадбирларга бўлган қизиқиш ва ҳавасларини янада оширади, маънавий, мафкуравий тасаввурларини бойитади. Меҳнат таълими ва касбга йўналтириш бўйича ўтказиладиган дарсдан ташқари машғулотлар шакллари етарлича ўрганилган. Бироқ, бу машғулотларнинг мазмунини ўқувчиларни касб-хунарга йўллаш технологияси билан бойитиш муаммоси етарли даражада ҳал этилмаган.

Умумтаълим мактабларида дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил этиш учун барча шароитлар мавжуд бўлса-да, ўқувчиларни касб-хунарга йўллаш ишларида бир қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бизнинг фикримизча, бу камчиликлар қуйидагилардан иборат:

- дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этишга ҳар томонлама тайёр, малакали мутахассис-педагог кадрлар, яъни меҳнат ва касбга йўналтириш таълими ўқитувчиларининг етишмаслиги;

- дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этиш учун зарурий методик қўлланмалар, техник, технологик ҳужжатларнинг камчилиги;

- мактаб билан ота-оналар кенгаши ва маҳалла, жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқанинг йўлга қўйилмаганлиги;

- оталиқ ташкилотлари маъмуриятининг ўқувчилар меҳнат амалиётини ташкил этишга оид махсус ҳужжатлар, маълумотлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги;

- мактабларда меҳнат таълими хоналарини жиҳозлашга замон талаби даражасида етарлича эътибор берилмаётганлиги;

- корхона маъмурияти томонидан амалиётчиларга зарурий цех, иш ўрни ва кийимлар, керакли асбоб-ускуна, жиҳоз, техника хавфсизлиги учун муҳофаза воситалари ва шу кабилар ажратилмаганлиги.

Дарсдан ташқари машғулотларнинг мазмуни, вазифаси, дастури, ўтиш муддати ва шу кабилар умумий ота-оналар йиғилишининг кун тартибига қўйиб борилса, бу тарбиявий тадбирни ташкил этишда юзага келадиган баъзи тушунмовчилик, тўсқинлик ва камчиликларнинг олди олинган бўлар эди. Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларни касбга йўналтириш мазмуни республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиёт даражаси истиқболи, жамиятнинг эҳтиёжлари, техника ва технологик жараёнлардан оқилона фойдаланиш мақсадлари каби кўплаб омиллардан келиб чиққан ҳолда танланиши исбот талаб этилмайдиган ҳақиқатдир. Умумтаълим муассасаларида таълим мазмунини ишлаб чиқишда шу пайтгача амалда бўлган ҳар бир ўқув предметининг мазмунини таҳлил қилиб, республикамизда кечаётган ўзгаришлар нуқтаи назаридан ёндашиб қайта ишлаб чиқиш лозимлиги тасдиқланмоқда. Амалга оширган тажриба-синов ишларимиз ҳам ўқувчиларни касб танлашга йўллашда туб ўзгаришларга муштарак мазмунни бериш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

ЎҚИТУВЧИ-ЎҚУВЧИ МУНОСАБАТИДА «ҲИССИЁТ»НИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Р.АТАЖАНОВА — Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси

Инсон, ўзини ўраб турган дунёни билар ва унга ўз таъсирини ўтказар, яъни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ишни бажариб, меҳнат қилар экан, ҳеч қачон бефарқ муносабатда бўла олмайди, балки, аксинча, кишиларга, нарсалар ва воқелиқдан ходисаларга, ўз фаолияти жараёнига унинг оқибатларига бўлган ўз муносабатини ҳис қилади. Бу кечинмалар ёки ҳиссиёт кишилар ҳаётида буюк роль ўйнайди, ҳамда уларнинг бутун психик фаолиятига сингиб кетади.

Ҳиссиёт инсон психикасидаги бошқа ҳодисалар сингари, миянинг функциясидир, бош мия катта ярим шарлари қобиғида рўй берадиган жараёнларнинг намоён бўлишидир. Бироқ, ҳиссиётнинг юзага келишида қобиғ билан ҳамкорликда ишлайдиган мия қобиғига нерв импульсларини жўнатиб туради, қобиғ эса бу жараёнларни тартибга солиб туради, уларни кучайтиради ёки тормозлайди, (яъни ё кўзғалиш ёки тормозланиш процесси пайдо бўлади). Ҳаётда, хусусан ўқитувчининг ишида инсон учун ўз ҳиссиётини бошқариш имконияти шундан келиб чиқади. Ҳиссиётнинг биринчи ва иккинчи сигнал системасининг фаолияти бир-бири билан боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам ҳиссиёт бизнинг муайян пайтдаги сезги ҳамда идрокларимиз туфайлигина эмас, балки биздаги фикрлар ҳамда талаффуз этадиган ёки эшитадиган сўзлар туфайли ҳам юзага келади. Шунинг учун ҳам педагогнинг ҳиссиёти кўпинча ўқувчиларнинг унга нима дейишларига, ҳамда унинг ўқувчиларга нима дейишига ёки айтиб беришига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг эмоционал ҳолати дарсгача, дарс жараёнида ва дарсдан кейин ҳам ўзгариб туради.

Педагог ишида ҳиссиётнинг катта аҳамиятга эга эканлиги яна шундаки, ҳиссиёт бир кишидан иккинчисига тез ва осонлик билан ўтади. Бунинг сабабларидан бири шуки, кечинмалар ҳар хил ташқи ифодали ҳаракатларга эгадир: мимика, имо-ишора, хатти-ҳаракатлар. Бирор кишининг жилмайиши ҳам, кулгуси ҳам, жиддий кайфияти ҳам одатда бошқаларга “юқади”.

Масалан, кичик ёшдаги мактаб болаларига ҳиссиётлар қандай таъсир этиши ҳар бир дарсда билинади. Агар ўқитувчи дарсга ёмон қайфиятда, жаҳли чиқиб келган бўлса ва бу аҳволни ўқувчилардан яшира олмаса улар ҳам жуда ҳаяжонга тушадилар, асабийлашадилар, ҳамда кайфиятлари

ҳам жуда беқарор бўлиб ғазабли огоҳлантиришдан ёки бақирувдан сўнг тинчланишлари мумкин. Бироқ бу узоққа бормайди. Ўқитувчининг ҳаяжонланиши тезда уларга ўтади, натижада ўқувчилар энди ўзларини тегишлича ишга жалб эта олмайдилар. Агар ўқитувчи хотиржам бўлиб, шу билан бирга ишга чинакам эмоционал кўтаринкиликни ҳис этса, буни унинг ўқувчилари ҳам жуда яхши сезадилар. Ҳамда самарали ўқув машғулоти нинг энг яхши гарови бўлган жонли, илмий ахборотлар йиғиндисини беришдангина эмас, балки уларда муайян дунёқарашни тарбиялашдан ҳам иборатдир.

Ўқитувчининг болалар билан дўстона муносабат ўрнатишининг сабабларидан бири, унинг уларга қизиқиши ҳамда ҳар бир боланинг психологиясини чуқур билганлигидадир.

Педагогик ишида ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ўрнатишга, яққол ифодаланган педагогнинг кучли пайдо бўладиган ҳиссиёти ҳалақит бермайдими, деб сўралади. Ахир, ҳар бир кишига хос бўлганидек, аффект тарзида эмоционал ҳаёт кечириш ўқитувчига ҳам хосдир.

Киши вужудини тез қамраб оладиган жўшқинлик билан ўтадиган қисқа муддатли портлаш тарзидаги ғазаб, қувонч кечинмалари каби ҳиссиёт психологияда аффект деб номланади. Аффектлар, одатда, кишиларнинг ўзаро муносабатига ҳалақит беради. Аффект – бу баъзан ҳатто ўз ҳаракатларини киши онгли назорат қилишни йўқотиши билан пайдо бўладиган кучли ҳиссиёт.

Албатта, киши аффектив ҳолатларга йўл қўймаслиги керак. Масалан, айбдор ўқувчига ўз ғазабини сочишдан олдин, ўқитувчининг бир оз тўхтаб олиши энг яхши усулдир. Боланинг нима қилгани ҳақида мустақил ўйлашга мажбур қилиш бу унга ҳам яхши таъсир этади, педагогга эса ўзини тута олиш ҳамда юз берган ишга объектив қараш имконини беради. Шунинг учун ҳам айбдорга бирданга жазо белгилаш тавсия этилмайди, чунки ўқитувчининг аффект ҳолатида балки ноҳақ бўлиши ҳамда меъёр ҳиссини йўқотиб қўйиш мумкин.

Бироқ жуда қадан-кам ҳолларда ҳеч иложи бўлмай қолганда аффект яхшигина тарбиявий восита ҳам бўла олади.

Шуни ҳисобга олиш керакки:

Биринчидан: ўқитувчининг ўқувчи хатти-ҳаракатига кучли таъсири анчагина натижа беради. Шунинг билан бирга, тез ҳаяжонланадиган кишининг чегарадан чиқиб кетиши мумкинлигини, натижада у кутилганча натижа ололмаслигини унутмаслик керак.

Иккинчидан: ғазаб кўпинча киши онгига нисбатан, ҳиссиётга кўпроқ таъсир этади. Қизиққон ўқитувчининг ўқувчилари эътиқодлари билан эмас, кўпинча қўрққанларидан интизомли бўладилар. Кузатишлар, жумладан, қизиққон ўқитувчиларнинг болалари ювош, лоқайд, шу билан бирга, етарли даражада талабчан педагогникига нисбатан, ўқитувчи йўғида ўзларини камдан-кам яхши тутишларини кўрсатади.

Учинчидан: ишнинг моҳиятини ҳисобга олиш керак. Мажбуран кучли эффе́кт қўллашни талаб этадиган ҳаракатлар ҳам бўлади, аммо арзимаган иш ҳамда кичкина айб деб, ўзининг ва ўқувчиларнинг “асабини” тажанг қилиш ҳам жуда ақлсизликдир.

Тўртинчидан: ўқитувчининг ўз ишига нисбатан эътиқоди ҳам катта аҳамиятга эга. Болалар қизиққон ўқитувчиларни ҳам, агар уларнинг ғазаби, тарбияланувчиларни бирор камчиликдан ҳоли этишга ёрдам берса, буни норозиликнинг чинакам ҳисси билан юзага келганини сезсалар, албатта яхши кўрадилар.

Кичик мактаб ёшидаги болаларга таълим-тарбия бериш катта ёшдаги ўқувчилар билан ишлашдан жуда кўп фарқ қилади. Бола биринчи синфда мактаб остонасига биринчи марта қадам кўяди. Ўқишга унинг асосий машғулоти – ўқиш меҳнатига кам алоқадор бўлган фаолият тури – ўйин ҳисобланади. Болалар мактабда биринчи марта масъулият ҳамда мажбурий иш билан тўқнашадилар, у зерикарли, қизиқмайдиган кўринса ҳам, лекин шуғулланишлари керак. Бу ерда баъзан болага чарчашни, ялқовликни енгишга, иродавий куч сарфлашга тўғри келади.

Ўқитувчининг вазифаси – бола учун мактабгача бўлган турмуш тарзидан ўқиш фаолиятига ўтишнинг зарур чораларини кўриш, унинг имкониятларини тушунтиришдан иборатдир. Бу ўринда анча одоб ва самимий муҳаббат талаб қилинади. Шунинг учун кичик ёшдаги ўқувчилар билан ишлаш ўқитувчидан кучли идрокни, педагогик кузатувчанликни, зийракликни, осойишталикни, уларга индивидуал муносабатда ва одобли муомалада бўлишни талаб қилади.

7 ёшли болалар, одатда, ўқувчи бўлдик деб суюнишади ва фахрланишади. Яхши ўқитувчи бу ҳис-туйғудан фойдаланади. Ўқишнинг биринчи кунидан бошлаб, ўқитувчилар билан ўқувчилар ўртасида алоқа ўрнатилиши, болаларнинг ўқитувчидан кўрқмасликлари, аммо унга бўйсунушлари муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун педагог бўлиши ва айни вақтда талабчанликни ҳам бўшаштирмаслиги керак.

Ўқитувчи болаларни табақаларга бўлгач, улардан ўқувчилар жамоасини шакллантириб, болалардаги кўча ёки оиланинг салбий таъсирида рўй берган, улар онгига сингиб қолган, зарарли фарқларни йўқотишга ҳаракат қилиши керак.

Шу билан бирга, педагог болаларни жамоа олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилиш, унинг талабларига ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаб, фақат ўқиш ишигагина эмас, балки мураккаб бўлмаган меҳнат топшириқларини, жамоат топшириқларини бажаришга ҳам ўргатиши керак. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ўз педагогига бўлган меҳр-муҳаббати уларда бутун умр бўйи сақланиб қолади. Аммо, шу билан бирга бола ақлий ўсишдагина эмас, балки ўзини ҳис қилиши, жисмоний ҳолати, соғлиги, тозалиги, кийим-бош ва бошқа кўп жиҳатдан ҳам педагогнинг меҳр-муҳаббати ҳамда ғамхўрлигига муҳтождир.

ЎСПИРИНЛАРДА ҲАРБИЙ ТАСАВВУРЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ СОҲАЛАРИ

Д.Ч.УМАРОВА - Республика “Оила” илмий-амалий маркази илмий ходими

К

айси соҳани олмайлик, қаерда инсонни бошқа инсон билан биргаликдаги ҳаёти ва фаолияти мавжуд экан, у ерда психологик билимларсиз юқори натижага эришиб бўлмайди. Ҳарбий хизматга қақирилувчиларда бир қатор психологик жиҳатларни мужассамлаштиришни ва экстериоризация қилиш (ақлда шаклланган билимларни бевосита ташқи фаолиятга кўчирилиши)ни талаб қилади. Ҳарбий хизматни ўташ жараёни эмоционал барқарорлик, ўз-ўзини бошқариш, мотивацион қувватга эгалик, ҳар хил таъсирларга чидамликни талаб қилади. Бундан ташқари қақирилувчиларда ўзига ишонч, вазиятларни тўғри баҳолай олиш, тез қарор қабул қилиш, қўрқувдан ҳоли бўлиш, кўрсатмаларни ёдда сақлаш ва керакли ҳолларда эсга тушуриш, психомотор жараёнларни тўлиқ ўзлаштирганликни тақозо этади. Ҳар қандай ижтимоий муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ҳарбий хизматга қақирилувчиларнинг армия ҳаётига тез ва осон кўникиши, уларнинг жисмоний, ақлий, руҳий ва иродавий етуклиги билан бир қаторда ҳарбий хизматга қадар шаклланган билимлар даражаси ҳамда установакаларига боғлиқдир.

Ҳарбий муносабатлар тўғрисидаги тасаввурлар ҳам жуда муҳим бўлиб, улар ҳар бир ҳарбий хизматчининг ижтимоий ролларидан келиб чиқадиган индивидуал сифатлардан тортиб, ҳарбий гуруҳда амалга ошириладиган роллараро ўзаро муносабатларга зарур бўлган сифатларни амалда намоён этиш установакасининг борлигини тақозо этади. Ҳарбийларга хос муносабатлар психологиясининг турли-туман қирралари, умуман ушбу тизимнинг турли томонлари тўғрисидаги тушунчалар мавжудлиги ҳарбий ижтимоий тасаввурларнинг асосини, унинг маъно ва мағзини ташкил этади. Келгусида ҳарбий хизматнинг муваффақиятли йўлга қўйилиши ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган ўспиринларнинг ушбу масъулиятли даврга маънавий-руҳий, жисмоний, иродавий, психологик ва бошланғич ҳарбий тайёргарлиги билан бирга коммуникатив сифатларга эга бўлишларига ҳам боғлиқдир.

Айни ўспиринлик ёшида физиологик ўзгаришлар билан бир қаторда жисмоний, маънавий, ақлий ривожланиш ҳам рўй беради. Ватанга, юртга, халқига хизмат қилиш учун кучга тўлган даври ҳисобланади. Бунинг учун уларда ҳарбий муҳит ва ҳарбий интизом қоидаларига мос равишда ҳарбий тасаввурларни шакллантиришнинг изчил тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Биз ижтимоий тасаввурлар тўғрисидаги илмий изланишларни юртимизда биринчи бўлиб бошлаб берган В.М.Каримованинг ушбу феноменга

асосланган тавсифларидан келиб чиққан ҳолда ўспиринларнинг ҳарбий хизмат тўғрисидаги тасаввурларининг бир қанча йўналиш соҳаларини белгилаб олдик.

1. Ҳарбий тасаввурлар шаклланишининг ижтимоий йўналиш соҳаси. Бу борадаги тасаввурларга ҳарбий хизмат ва унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, шахсда ҳарбий хизмат мазмунига мос қадриятларнинг шаклланганлиги, аскарларнинг Ватан олдидаги бурчлари ва ҳарбий хизматдаги вазифалари ҳақидаги тасаввурлари, умуман шахснинг ҳарбий хизмат тўғрисидаги ижтимоий-меъёрий тасаввурлари киради.

2. Ҳарбий тасаввурларнинг этник-меъёрий томони. Бунга биринчи навбатда ёшларнинг Ватан олдидаги масъулияти, ҳарбий хизматни ўташнинг маънавий жиҳатлари тўғрисидаги тасаввурлари, ҳарбийлик сифатлари тўғрисидаги тасаввурлари, сафдошлар билан ўзаро муносабат жараёнида ҳурмат ва ғамхўрлик кўрсата олишга тайёрлик, ҳар қандай шароитда Ватан олдидаги масъулият ҳиссини йўқотмаслик, идеал аскар тўғрисидаги тасаввурларнинг борлиги ва унга реал ҳаётда интилишга тайёрлик ва бошқалар киради.

3. Ҳарбий ролларнинг ҳуқуқий соҳаси. Ўспиринларнинг ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонунни билиши, аскар ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва бурчларини билиши, ҳарбий хизмат тўғрисидаги билим ва ҳарбий хизматни ўташга бўлган тайёрлик каби тасаввурларни ўз ичига олади.

4. Ҳарбий тасаввурларнинг психологик соҳаси. Бу тасаввур ҳар бир шахснинг ҳарбий соҳаси ташқи ўташга имкон берувчи шахсий фазилатларнинг бор-йўқлиги, ҳарбий хизмат жараёнида содир бўладиган шахслараро муносабатлар шакллари тасаввур қилиш, ўзгалар психологиясини тушунишга тайёрлик, сафдошлар ва офицерлар таркиби билан бўладиган муносабатлар жараёни учун зарур бўладиган хислатларнинг камол топганлиги тўғрисидаги шахс тасаввурларидан иборат.

5. Ҳарбий тасаввурларнинг жисмоний-иродавий соҳаси. Бунга ўспиринларнинг жисмоний ва иродавий жиҳатдан тайёргарлиги, буларнинг ҳарбий хизмат жараёнидаги аҳамиятини идрок этиш даражаси, бу хусусиятларни шахснинг ўзида қандай шакллантиришни билиши, жисмоний ва иродавий етуклик ва унинг шакллари тўғрисидаги тасаввурларини ўз ичига олади.

Тадқиқот давомида олинган натижалар шуни кўрсатадики, ўспиринлар ҳарбий хизматни энг аввало жисмоний етуклик билан боғлиқ ҳолда идрок этадилар. Бу ҳолат ўспиринлар ўзларини ҳарбий хизматга тайёрлашда жисмоний ва иродавий жиҳатдан юқори натижаларга эришиш мотивини

ҳосил қилади. Жисмоний тараққиёт кўп жиҳатдан тўғри овқатланиш ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга боғлиқдир. Иродавий хусусиятлар эса шахснинг ўз фаолиятини ва хулқ-атворини шахсий хоҳишига бўйсундириш орқали ифодаланади. Иродалилиқ – шахснинг мақсад белгилашидан тортиб, унга эришиш йўлидаги ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Иродалилиқ – эътиқодлилиқ, ишончлилиқ, бардамлик, қатъиятлилик, сабр-тоқатлилиқ, матонатлилиқ, чидамлилиқ, ташаббускорлик, мустақиллик, жасурлик ва ўзини қўлга олиш шаклидаги сифатлар билан белгиланади. Ўспиринларда мазкур хусусиятларни шакллантириш аввало оилада ташкил қилиниши ҳамда маҳалла, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда “Ватанпарвар” муҳофаага кўмаклашувчи ташкилоти, “Камолот” ЁИХнинг ўзаро ҳамкорлигини ўз ичига олиши керак.

Оила, таълим, маҳалла ва “Ватанпарвар” муҳофаага кўмаклашувчи ташкилоти, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш орқали ўспиринларда ҳарбий хизматга бўлган қуйидаги салбий муносабатларни бартараф этишга эришиш мумкин: ҳарбий хизматнинг ижтимоий-миллий аҳамиятини тўла англамаслик; ҳарбий хизматнинг қийинчиликларга тўла давр сифатида тасаввур қилинишининг олдини олиш; ҳарбий хизматга чақирилувчилар ўртасида турли зиддиятларнинг келиб чиқиши муқаррар эканлиги

ҳақидаги тушунчага эгаллик.

Ушбу муаммоларнинг бартараф этилиши ўспирин-ёшларда объект тўғрисида тўлақонли тушунча ва тасаввурларнинг мавжудлиги, ҳарбий хизмат моҳиятини тўғри англаганлиги, ҳарбий хизмат тўғрисида етарли даражада билимларга эга эканлиги ва ушбу даврга ўзини жисмонан, ақлан ва руҳан тайёрлаганлиги ҳамда ижтимоий муносабатлар жараёнига қай даражада тайёр эканлиги билан белгиланади.

Бундан кўринадики, етук кадр бўлиш учун шахс нафақат ўз иқтидори, билими ва савиясини ошириши ҳамда бирор фаолият тўғрисида адекват тасаввурлар ҳосил қилиши, балки шу фаолиятдаги ижтимоий муносабатлар тизими ва ижтимоий фаолиятни бошқаришнинг қонун ва қоидаларини мукамал эгалламоғи зарур. Барча соҳаларда, айниқса инсон омили етакчи бўлган соҳаларда уни бошқаришнинг психологик тизимини билиш, жамиятда соғлом инсоний муносабатларни шакллантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Демак, ўспиринларнинг муддатли ҳарбий хизматга бўлган қизиқишлари, установакалари, мотивацияси, ҳарбий билим ва тушунчалари билан бирга муомала-муносабат жиҳатдан пухта тайёргарлиги ҳам уларнинг ҳарбий хизматни мажбурий ёки касб сифатида самарали ўташга руҳан тайёр эканлигини кафолатлайди.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ МАШҒУЛОТЛАРИДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Р.ҲАСАНОВ - педагогика фанлари доктори, профессор

Мустақил Ўзбекистон шароитида янги ҳуқуқий, демократик давлатни барпо этишдаги ҳаракатлар, жаҳонда илму - фан, маданият ва техник тараққиётни мислсиз тарзда тез ўсиб бораётганлиги таълим тизимини тубдан ўзгартиришни талаб этмоқда. Бу муаммонинг ечими «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўз ифодасини топди.

Ундаги таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш бўлимида «Илғор педагогик технологиялар, таълимнинг янги шакл ва услублари, ўқув, шу жумладан дифференциялашган дастурлар амалиётга жорий этилади» деб кўрсатилган (Баркамол авлод Ўзбекистон тарққиётининг пойдевори.-Тошкент, 1997.-55-бет). Дастур эълон қилинган кундан бошлаб ўтган даврда қатор тадқиқотчи ва амалиётчилар томонидан маълум изланишлар олиб борилмоқда. Бошқа фанлар қатори бадиий таълимнинг истиқболларини белгилаб берувчи умумий ўрта таълим концепцияси, таълимнинг давлат стандартлари ва дастурлари, айрим дарслик ва методик қўлланмалар, тест ва бошқа айрим материаллар тайёрланди ва чоп этилди.

Умумий ўрта таълим мактабларининг тасвирий санъат машғулотларида илғор педагогик технологияларни ишлаб чиқиш борасида ҳам маълум

изланишлар олиб борилмоқда. Бу ҳақда фикр юритишдан аввал унинг характери ва мазмун-моҳиятини аниқлаб олиш керак бўлади.

Замонавий педагогик технологияларнинг мақсади қисқа вақт давомида ўқувчиларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларга кенг ва чуқур билим бериш ҳамда тегишли малакаларни эгаллашлари учун шарт - шароит яратишдан иборатдир.

Мазкур технология таълим жараёнини интенсификациялаш, ўқувчиларнинг мустақил ишларини ривожлантиришни назарда тутди ва у ҳар бир ўқувчининг динамик ривожини таъминлайди.

Замонавий педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарурияти эса қуйидаги муҳим омиллар билан белгиланади:

- Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан сўнг янги таълим мазмунининг ишлаб чиқилганлиги, унинг мазмунининг кенгайганлиги ва чуқурлашганлиги;

- Ўқувчиларнинг билишлари ва эгаллашлари лозим бўлган таълим мазмунига кирадиган фан, техника ва маданиятнинг янги ютуқларининг кенгайиб бораётганлиги;

- Ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигига талабларнинг ошиб бораётганлиги.

Шунга қарамасдан ҳозирда мактабларда

замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг аҳволи талаблар даражасида эмас. Ўқитувчиларимиз хали унинг моҳияти ва мазмунини етарлича тушуниб олганлари-ча йўқ.

Республикамизнинг баъзи мактабларида эскирган ва кам самарали методикаларни қўллаш ханузгача ҳукм сурмоқда. Улардаги шарт-шароитлар, моддий техникавий база, методик потенциал ҳам ниҳоятда паст.

Ҳозирда ўқув режаларида таълим мазмунига ажратилган вақтда дастур талабларига яраша ёшларга чуқур билим ва малакалар бериш анча мушкул. Мазкур муаммони ечишга замонавий педагогик технологияларни қўллаш самарали таъсир кўрсатиши мумкин.

Шундай экан, ўқитувчи ўқувчиларни мустақил китоб ўқишлари ва тасвирий - ижодий ишларни бажаришлари, электрон ҳисоблаш машиналари ва тестлардан кенг фойдаланиш, викторина, чайнвордлар ечиш, мустақил қоралама ва рангламалар бажариш кабиларга йўллаши керак бўлади.

Тасвирий санъат дарсларида педагогик технологияни қўллаш жараёнида қуйидаги масалалар муҳим ҳисобланади:

Улар таълим жараёнини самарали ташкил этиш ва бунда ташхисли таълимга асосланиш, мазкур жараённи доимо бойитиш ва янгилаб туриш, шунингдек бу масалада турли - туманликка эришиш, таълим жараёнини тўхтовсиз таҳлил қилиб туриш ҳамда уни мавжуд педагогик жараёнлар билан солиштириш, таълим олувчиларнинг фаолиятларини доимий назорат қилиш ва баҳолаш ҳисобланади.

Замонавий педагогик технологиянинг муҳим хусусиятларидан бири бу таълим олувчиларни ўқитиш эмас, уларни мустақил билим ва малакаларни эгаллашларига йўналтиришдир. Бунда ўқитувчининг асосий вазифаси ўқувчиларнинг мустақил ишларига раҳбарлик қилишдан иборат бўлади. Педагогик технологиянинг самарадорлиги эса кўпроқ ўқувчиларни тегишли ўқув - методик мажмуалар билан таъминланганлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Мазкур технологиянинг асосий шартларидан яна бири бу ўқувчиларни педагогик технология назарияси ва уни амалиётга қўллаш механизмларини пухта ўзлаштириб олишлари ҳисобланади.

Ўрни келганда шуни қайд қилиш лозимки, ҳозирда олий педагогик таълим тизимида бўлғуси ўқитувчиларни замонавий технологиялар билан қуроллантиришга етарлича эътибор берилмаяпти. Бу эса ўз ўрнида мазкур муаммони мактабларда муаммолигича қолишига асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда.

Педагогик технологиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан бадиий таълим жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлаб уларнинг фаоллигини оширишга боғлиқ

дир. Шунингдек, у таълим олувчиларни тасвирий санъат фанидан ўқув методик мажмуалар ва ахборот технологиялари материалларини мустақил таҳлил этиш кўникмаларини ҳосил қила олишига ҳам

алоқадордир. У ўқувчиларни таълим жараёнида эркин фикр юритишга, уларни ўқитувчи билан тортинмасдан мунозара қила олишига, ўз нуқтаи назарини исботлашга имконият ва шароит яратиш ҳам зарур.

Охир оқибатда эса ўқитувчи ўз фаолияти натижасини аниқлаш мақсадида педагогик технология самарадорлиги мониторингини ўтказиб туриши ва унинг тизимини яратиш ҳамда қўллаши керак бўлади.

Педагогика тарихида бир қатор таълим технологиялари мавжуд бўлиб, улар муаммоли ўқитиш, мужассамлаштирилган таълим, модулли таълим, ривожлантирувчи таълим, табақалаштирилган таълим, тезлаштириб ўқитиш технологияси, мустақил таълим, ўқитишнинг ўйинли технологияси кабилар ҳисобланади.

Қуйида тасвирий санъат дарсларида қўлланилиши мумкин бўлган педагогик технологияларнинг айримларининг татбиқи ҳақида тўхталамиз. Бу йўналишдаги илғор технологиялардан бири бу модулли ўқитиш технологиясидир.

Бунда ўқувчилар аввалдан ўқитувчи томонидан топширилган мавзунини ўрганиб, тайёрланиб келганларидан сўнг машғулот ўтказилди. Машғулотларнинг бу замонавий шаклининг самарали жиҳатларидан бири шундаки, бунда янги мавзу юзасидан дарсга тайёрланиб келган ўқувчилар ўқитувчи билан бемалол мунозара, тортишув ўтказиш имконига эга бўладилар.

Модулли технологияда ўрганилиши керак бўлган мазмун бир неча модулларга бўлиб олинади. Модулли дастурда ўзлаштириш мақсади, ўқув материални қаердан топиш мумкинлиги, уларни қайси йўллар билан ўзлаштирилиши (ўқиш, конспект олиш, ёдлаш, ижодий ишларни бажариш в.б), бажарилган ишни тўғри ёки нотўғрилигини қандай қилиб текшириш йўллари баён этилган бўлади. Модуль дастурини бажариш учун аввало ўқитувчи томонидан модуль юзасидан методик кўрсатмалар тайёрланади, уларда ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмаларни қанчалик мақсадга мувофиқ тузилганлиги назорат қилинади ҳамда унга тузатишлар киритиб борилади.

Лекин машғулотларнинг бу шаклини амалга ошириш учун ўқувчиларга керакли маъруза матнлари, дарсликлар ёки компьютер учун мўлжалланган бошқа материаллар тайёрланган бўлиши лозим.

Таълимий ишларга киришган ҳар бир ўқитувчи аввало ўз ўқувчиларининг қобилиятлари, идроки ҳақида тасаввур ҳосил қилишлари, уларнинг билим ва малакалари даражасини ўрганишлари керак бўлади. Яъни, ўқувчиларни ташхислаш лозим. Бусиз ўқитувчининг барча таълимий ҳаракатлари ва уринишлари самарасиз бўлиб қолиши мумкин.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, ташхис синфдаги ҳар бир ўқувчи билан ўтказилиши шарт. Ўқувчиларни ўқув имкониятлари бўйича ташхислашга доир бир қатор методикалар ишлаб чиқилган. Унга кўра ҳар бир модульда ўқувчиларни эгаллашлари, ўзлаштиришлари лозим бўлган билим ва малакалар,

ижодкорлик юзасидан натижалар баён этилади. Хусусан, олтинчи синфда «Сув ости дунёси» мавзусидаги композицияни ишлаш дарсида қуйидаги масалаларнинг ҳал этилиши назарда тутилади:

- Сув ости дунёси, унинг эстетик мазмуни ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- Композиция учун қоғоз формати ва ўлчовини тўғри олиш;

- Расмда композиция элементларини тўғри ва мақсадга мувофиқ жойлаштириш;

- Расмни рангтасвирнинг назарий асосларига риоя қилган ҳолда тасвирлаш (рангшунослик, перспектива, ёруғсоя, планлик);

- Расмдаги деталларнинг шакллари, ўлчов ва ўлчов нисбатларини тўғри белгилаш;

- Расмнинг тоза ва тартибли бажарилиши.

Ташхислашга киришган ҳар бир ўқитувчи ҳар бир бола учун алоҳида ташхис дафтарини тутиб, ўқувчининг фанга бўлган ҳар бир ҳаракатини кузатиш асосида ёзиб боради. Хусусан, бу дафтарда ўқувчиларнинг қуйидаги сифатлари қайд қилиб борилади:

- Ўқувчининг «Тасвирий санъат» фанига бўлган муносабати;

- Ўқувчи тасвирий санъатнинг қайси тури ва жанрига қизиқади (рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, манзара, портрет в.б.);

- Ўқувчининг тасвирий санъат фанидан тайёргарлиги қанақа (билими, малакаси, ижодкорлиги в.б.);

- Ўқувчининг ўқув қуроллари билан таъминланганлик даражаси;

- Ўқувчининг тасвирий санъат ўқитувчисига муносабати;

- Ўқувчи ота-онасининг касби ва уларнинг тасвирий санъатга муносабати;

- Ўқувчи оиласидаги муҳит;

- Ўқувчининг умумий фикрлаш қобилияти;

- Ўқувчининг соғлиги;

- Ўқувчининг ижро интизоми;

- Ўқувчининг ахлоқий тарбияланганлик даражаси.

Бу сифатларни ўрганиш учун ўқитувчи аввалдан ташхис учун зарур бўлган материалларни тайёрлаб олади (суҳбат, анкета, ижодий иш, машқ, иншо, тест в.б.)

Психолог К.Қодиров томонидан тайёрланган методик тавсияда муаллиф «Лаёқатларни аниқлашнинг социологик методикаси» (синф ўқувчиларини сўроқлаш орқали ҳар бир ўқувчининг лаёқатини аниқлаш), ўқув предметида мойилликни аниқлаш (ташхислаш орқали ўқувчиларнинг қайси фанга қизиқишларини аниқлаш)», «Психологик ва педагогик ташхисда миқдорий ва сифатли ёндашувлар» (ўқувчиларнинг синф журналидаги рейтинг кўрсаткичларини ўрганиш орқали уларнинг қобилиятларини аниқлаш) деб номланган методикалар баён этилган.

Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатадики, композиция машғулотида «6x6x6», «Ҳар ким ҳар кимга ёрдам беради», «Танқидий тафаккур», «Дебат» «Суд» технологияларини қўллаш имкониятлари мавжуд бўлса, натурага қараб расм ишлаш

дарсларида «Ақлий ҳужум», «Танқидий тафаккур», «Синквейн», санъатшунослик асослари машғулотида «5x5x5», «Ақлий ҳужум» каби технологиялардан кенг фойдаланса бўлади.

«Танқидий тафаккур» технологиясини ўқитувчи дарс жараёнида ишлаётган ёки ишлаб бўлинган ҳар бир расм юзасидан қўллаши мумкин. Бунда ўқитувчи хоҳлаган ўқувчисининг расмини ўртага қўйиб у ҳақида фақат танқидий фикрларнинг билдирилишини болалардан сўрайди. Танқидий фикр билдирувчи бир ёки бир неча ўқувчилари бўлишлари мумкин. Мазкур технология синфда расм ишлаётган ҳар бир ўқувчининг ўз ишларидаги хато ва камчиликларни аниқлаш ва уларни тузатиш имконини беради.

«Ақлий ҳужум» технологиясининг борлиқни идрок этиш ёки санъат асарларини идрок этиш машғулотида кенг қўллаш имконияти мавжуд. Бунда ўқувчилар учун нотаниш бўлган табиат манзараси ёки табиат акс этган санъат асарига болалар эътиборини қаратилар экан, уларга табиат манзараси ёки санъат асарига акс этган нафосатни аниқлаш кераклиги юзасидан кўрсатмалар берилади. Бундай ақлий тафаккурни талаб этадиган кўрсатмалар, санъат асарининг композицияси, унинг ғояси, мазмуни, ишнинг саводхонлиги юзасидан бўлиши мумкин.

Натурадан расм ишлаш машғулотига ўқитувчи «Ҳар ким ҳар кимга ўргатади» технологияси бўйича болаларга ҳар бири 5 тадан бўлган ўқувчилардан иборат гуруҳлар тузишни таклиф этади. Ҳар бир гуруҳ ҳамкорликда ўзаро маслаҳатлашиб натура расмини ишлайдилар. Ўқувчилар ишга киришишларидан аввал уларга 100 балли тизим асосида кўп балл тўплаш топшириғи берилади ва қайси гуруҳ кўп балл тўпласа ўша гуруҳ ғолиб топилиб, уларга юқори баҳолар қўйилади.

Ўқитувчи ишланадиган расмга қўйиладиган баҳолаш мезонларини ҳам доскага ёзиб қўяди. Улар:

1. Расмни қоғоз юзасида тўғри жойлаштириш;

2. Расмдаги рангларни қанчалик натурага яқинлиги;

3. Расмда ёруғсояларнинг тўғри ечилиши;

4. Расмда перспектива ходисаларига риоя қилиниши;

5. Расмда нарсаларнинг ўлчовлари ва ўлчов нисбатларининг тўғри олинishi;

6. Расм ишлаш малакаларининг (қаламда ва мўйқаламда) шаклланганлик даражалари;

7. Расмни тоза ва тартибли бажарилиши;

Маълумки, тасвирий санъатдан ўтказиладиган ҳар бир амалий машғулот охирида ўқувчилар томонидан бажарилган ишлардан кўрғазма ташкил этилиб, улар таҳлил этилади. Машғулотнинг бу қисмида ўқитувчи бемалол «Суд» технологиясини қўллаши мумкин. Бунда ўқитувчи болалар томонидан ишланган биронта расмни олиб у юзасидан «Суд» технологиясини қўллайди. Бу жараён учун бир «Оқловчи» ва бир «Қораловчи» белгиланади. Ўқитувчи раислигида бир ўқувчи ишнинг ютуқлари ҳақида гапирса, иккинчиси эса унинг камчиликларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Иш болалар расмларини баҳолаш билан якунланади.

«Ўзбекистон тасвирий санъати» мавзуси ўрганилганидан кейинги дарсда ўқитувчи уй топшириқларини текшириш қисмида «Синквейн» технологиясини қўллаб ҳар бири тўрттадан иборат иккита гуруҳ тузади. Бу гуруҳ ўқувчилари бир - бирларига мавзу юзасидан саволлар берадилар ва бир - бирларининг уй топшириқлари юзасидан билимларини аниқлашда ўқитувчига ёрдам берадилар. Савол - жавоб жараёнида билдирилган фикрлар синфдаги барча ўқувчиларнинг билимларини оширишга ёрдам беради.

Юқоридаги педагогик технологиялар билан бир қаторда тасвирий санъат дарсларида “Заковатли зукко”, “Фикрий хужум”, “Ортиқча”, “Қора қути”, “Ялпи фикрий хужум”, “Дебат” каби ўқитишнинг ўйинли технологияларидан кенг фойдаланса бўлади.

Бу технологиялар асосида машғулотлар олиб борган ўқитувчи болаларни гуруҳларга бўлиб тасвирий санъатнинг турлари, жанрлари, йўналишлари, тарихи, намоёндалари в.б. ҳақида мусобақа ва мунозаралар ўтказиши лозим бўлади. Улар кўпроқ қизиқтириб ўқитишга асосланган ўйин, саёҳат, ролли ўйинлар, танлов, кўргазма, викторина, кечалар, семинар ва учрашувлар ўтказиш, рефератлар ёздириш шаклларида бўлиши мумкин.

Юқорида қайд қилганимиздек, машғулотларни ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва манфаатдорликларини ҳисобга олиши муҳимдир. Бунинг учун биринчи галда у тасвирий санъат асосларини эгаллаш, унинг ҳар бир шахс учун қанчалик муҳим эканлиги, у кишиларнинг ҳаётида қанчалик керак бўлиши ҳақида тўлиқ тушунча ҳосил қилиши лозим. Айниқса, тасвирий санъатни кишиларга ҳаётни билишга ёрдам бериши, тарихни билишга кўмаклашиши, табиатни, борлиқдан завқ олишга, дам олиш ва хордиқ чиқаришга ёрдамлашиши, кўриш хотираси, кузатувчанликни ўстириши, тасаввур, тафаккур ва ижодкорликнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатиши ҳақида кенг ҳамда асосли маълумотлар берилиши мақсадга мувофиқдир.

Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни билим олишга бўлган эҳтиёж ва манфаатдорликларини шакллантириш муҳим экан, унинг асосий йўлларида бири бу болаларни фан асосларини эгаллашларига қизиқтириш ҳисобланади. Хусусан, жаҳон тасвирий санъати тарихида ўчмас из қолдирган Камолиддин Бехзод, Леонардо да Винчи, Рембрант Ван Рейн, Микеланжело Буонарроти, Пабло Пикассо, Чингиз Ахмаров кабиларнинг ҳаёти ва ижодидаги кишиларда ҳис - хаяжон уйғотадиган ходиса ва воқеалардан сўзлаб берилиши ўқувчиларни тўлқинлантиради ҳамда уларнинг тасвирий-ижодий ишларини фаоллаштиради.

Таълим жараёнида замонавий илғор технологиялардан фойдаланиш дегани бу ҳар бир дарсда мавжуд технологияларни қўллаш шарт деган сўз эмас. У дарс мавзуси, унинг мазмуни, дарсдаги шароитлар ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда татбиқ қилиниши мумкин. Хусусан, тасвирий санъатни ўқитишда кўп йиллар давомида ўқитувчилар тажрибасидан ўтган ҳамда юқори натижалар бериб келаётган технологиялар ҳам борки,

уларни бир четга суриб қўйиб, унинг ўрнига замонавий деб аталаётган ва ўқитувчи тажрибасида синовдан ўтмаган технологияни дарсга тиқштириш катта хатодир.

Тасвирий санъатни ўқитишда табиат қўйнига саёҳат, табиат қўйнида қоралама ва рангламалар чиздириш, викторина ва кроссвордлар ечдириш, энг яхши расмлар танловини ўтказиш, болалар расмлари, кўргазмаларини ташкил этишдек анъанавий технологиялар шулар жумласидандир. Шундай экан, тасвирий санъат дарсларида замонавий технологияларни қўллаш масаласига тўғри ёндашиш учун уни яхши ўйлаб амалга ошириш лозим.

Замонавий технологияларни яратиш ва амалиётга жорий этиш катта илмий потенциал ва моддий - техникавий базани ҳам талаб этади. Хусусан:

- Таълим учун бир неча махсус хоналар ажратиш;
- Тасвирий санъат хонасини зарур технологик воситалар билан таъминлаш;
- Илғор тажрибаларни ўрганишда бошқа мактаблар билан ҳамкорлик қилиш;
- Ўқув-методик мажмуалар яратиш;
- Жаҳоннинг ва Республикаимизнинг йирик расом ва ҳайкалтарошларининг юксак бадиий савияда ишланган асарларининг репродукцияларини чоп этиш, уларнинг слайдлари диапозитивлари диафильмларини ишлаб чиқиш;
- Ўқитувчиларнинг замонавий педагогик технологиялар бўйича малакасини ошириш.

Энг муҳими ҳар бир ўқитувчи тасвирий санъат дарсларида илғор - замонавий педагогик технологияларни татбиқ қилишга киришишдан аввал мазкур технологияларнинг асосларини чуқур ва атрофлича ўрганиб олиши лозим бўлади. Ҳозирда бундай технологияларга оид ўзбек тилида қатор қўлланмалар чоп этилган бўлиб, уларни ўрганиш учун қуйидаги ишлар ўқитувчиларга тавсия этилади. Улар: «Педагогик ва ахборот технологиялари: ютуқлар ва истиқболлари. || Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент, 2003; Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология. Назария ва амалиёт. - Тошкент, 2001; Очилов М. Янги педагогик технологиялар.- Карши, 2000; Саидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари.- Тошкент, 2000; Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт).-Тошкент, 2003; Йулдошев Ж., Усмонов. С. Педагогик технология асослари.- Тошкент, 2004; Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. -Тошкент, 2004; Толипов Ў.,Усмоноева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. - Тошкент, 2006.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги вақтда ҳар бир дарсда жаҳон таълим тизимида синалган ва тажрибадан ўтган илғор ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланмасдан туриб юксак самарадорликка эришиб бўлмайди. Мазкур педагогик технологияларни эгаллаш ҳар бир тасвирий санъат ўқитувчисининг биринчи галдаги вазифасидир.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРИДА «САЛОМАТЛИК ВА ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ» ДАРСЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ УСУЛЛАРИ

Ф.АБИДОВА - Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси

С.ШОКИРБЕКОВА - Ю. Ражабий номли Тошкент Педагогика коллежи ўқитувчиси

Мамлакатимизда таълим тизимининг энг муҳим вазифаси ўқувчиларга сифатли ва мукамал билим беришдир. Таълим тизимида амалга оширилаётган педагогик, илмий ва услубий жараёнларнинг барчаси ана шу мақсадга қаратилган. Айниқса бошланғич синфларда бериладиган билимлар ҳар жиҳатдан пухта ўйланган, болаларни қизиқтирадиган дарслар, ўйин машғулотларига асосланган бўлиши керак.

Бошланғич синфларда “Саломатлик ва ҳаёт хавфсизлиги асослари” дарсларини олиб боришда интерфаол методлардан, турли ўйинлардан фойдаланиш барча ўқувчиларни фикрлашга, билим олишни фаоллаштиришга, бахс-мунозараларда фаол қатнашишга, ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ўртасида ижобий ҳамкорликни намойиш этишга олиб келади. “Саломатлик ва ҳаёт хавфсизлиги асослари” дарсларида қўлланилиши мумкин бўлган ўйинлардан мисоллар келтирмақчимиз.

Умумтаълим мактаблари 1-синфида “Саломатлик ва ҳаёт хавфсизлиги асослари” фани дастурида **амалий машғулот** дарсини олиб бориш режалаштирилган. Бу дарсни синфда амалий ишларни бажариш, савол-жавоблар, суҳбатлар ўтказиш, табиат қўйнида саёҳат ўтказиш орқали ҳам олиб бориш мумкин.

Бу машғулотни ўтказишдан мақсад болаларни атрофимиздаги содир бўлиши мумкин бўлган хавфлар билан таништириш ҳисобланади. Машғулотлар ўтказиш орқали ўқувларда хушёрлик хиссини кучайтириш машғулот мақсадларидан бири ҳисобланади.

Машғулотни табиат қўйнига саёҳат ўтказиш орқали олиб бориш мумкин. Дарсни бошлаш учун болаларни фавқулдда вазиятларда тартиб билан эвакуация қилиш чизмаси бўйича синфдан мактаб ховлисига эвакуация қилинади ҳамда эвакуация қилиш эълон қилинганда шу йўл орқали чиқиш лозимлиги тушунтирилади. Дарс давомида қуйидагилар кузатилади:

1) табиатни кузатиш.

Кузатув жараёнида Ер қутблари (шарқ-ғарб, шимол-жануб) неча, улар қандай номланади? Қуёш қайси томондан чиқади, қайси томонга ботади? каби йўлловчи саволлар бериш орқали ўқувчиларнинг фикрлари ўрганилади. Мактаб ховлисида қутблар қайси томонда эканлиги кўрсатиб бериледи.

2) ўсимликлар дунёси билан таништириш;

3) табиат қўйнида адашиб қолганда нима қилиш кераклигини тушунтириш, (дарахт танасига белги қўйиш). Мактаб боғига кириб, табиат қўйнида дарахтзор ичида адашиб қолмаслик учун нима

қилиш лозим? -деган савол бериледи. Дарахт танасига бўр, кесак билан чизиб белги қўйиб кўрсатилади.

4) мактабдаги, мактаб атрофидаги хавф туғдириш эҳтимоли мавжуд жойларни кузатиш. Мактаб ховлисида қоғоз, хазонларни ёқмаслик ҳақида ўқитувчи томонидан йўлловчи саволлар бериледи ва оқибатлари тушунтирилади.

Бундай дарсларни ўтказиш орқали табиатни нафақат тушуниш, балки севишга ўргатилади, уни асраш кераклиги тушунтирилади. Ўқувчиларнинг маданий савиясини ошириш мақсадида уларга кўчаларга чиқиндилар ташламаслик, дарахтларни синдирмаслик, гуллаб турган гулларни узмаслик, хазонларни ёқмаслик, очиқ кудуқлар атрофида ўйнамаслик, узилиб қолган электр симларига тегмаслик каби оддий қоидалар ҳақида йўлловчи саволлар бериледи ва тушунтирилади. Мактабдаги розеткаларни, сув жўмрақларини, электр шитларини кузатиш мумкин. Машғулот якунланаётганда асосий қоидалар айтилиб хулоса ясалади. Машғулотда болаларнинг олган билимларини синаб кўриш мақсадида ёпиқ тестлар ишлатиш мумкин.

Мустақамлаш дарсларини олиб боришда савол-жавоб, тест усулларида фойдаланиш, давра суҳбати ўтказиш ҳам мумкин. **Давра суҳбати** ўтказиш учун ўқувчиларни 3-4 гуруҳга бўлиш ва ҳар бир гуруҳга вазифалар бериш ва уларнинг жавобларини таҳлил қилиш лозим. Масалан, 1-гуруҳга уйдаги хавфли буюмлар ва улардан фойдаланиш қоидаларини, 2-гуруҳга ёнғин ва унинг сабабларини, 3-гуруҳга эса сувда сузишдаги қоидаларни, 4 – гуруҳга эса зилзила вақтидаги ҳаракатларни гапириб бериш топширилади.

Булардан ташқари назорат ишларини олишда, мавзуни мустақамлашда **тест**, савол-жавоблардан фойдаланиш мумкин.

1. Хонадонларда қандай ҳолатлар содир бўлиши мумкин?

- А. Ёнғин,
- Б. Вулқон,
- В. Цунами.

2. Табиатда содир бўладиган фавқулдда вазиятни аниқланг.

- А. Зилзила,
 - Б. Портлаш,
 - В. Транспортлардаги ҳалокатлар.
3. Ёнғинларга олиб келувчи сабабни кўрсатинг.

В. Газ плитаси тепасига кир осиш;

Б. Чироқни ёниқ қолдириш;

А. Деразани очиқ қолдириш.

4. Кўчкилар қаерда содир бўлади?

А. Чўлларда,

Б. Текисликларда,
В. Тоғли ҳудудларда.

Дарс давомида олинган билимларни мустақкамлаш мақсадида мавзулар бўйича ўқувчилар билан оғзаки саволлар бериб, **савол-жавоб** ўтказиш мумкин. Бу усулни қўллашда карточкалардан фойдаланиш мумкин. Карточкага савол, шу саволга бир нечта тўғри ва нотўғри жавоблар ёзиб тарқатилади, ҳамда ўқувчиларга қисқа вақт ичида тўғри жавобларни аниқлаш топширилади. Бу орқали ўқувчиларнинг дарсларда олган билим ва қўникмалари текширилади, баҳолалиб улар рағбатлантирилади. Уйга вазифа сифатида мавзу бўйича савол тузиб келишни топшириш ҳам мумкин.

Ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини ошириш, фикрини эркин ва равон тушунтира олишга ўргатиш мақсадида **расмлар асосида ҳикоялар туздир**иш мумкин. 1-синф ўқувчиларига “Уйдаги хавфсизлик” дарсини олиб боришда қуйидаги суратларни кўрсатиш ва улардан фойдаланиб, уйларда қандай хавфлар содир бўлиши мумкинлиги, ундай ҳолларда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги тўғрисида ҳикоя тузиш топширилади.



Ўқитувчи тузилган ҳикоялардан хулоса қилади.

Дарслар давомида ўқувчиларни роллар орқали ишлатиб, билим даражаларини ошириш мумкин. Бундай ўйинлардан бири “**Суд ўйини**” ҳисобланади.

Ўқувчиларга судья, қораловчи, оқловчи, айбдор роллари бўлиб берилади. Ўқувчиларга ёнғин ҳолати содир бўлганлиги тасвирланган видео лавҳа кўрсатилади. Агар видеолавҳа кўрсатишнинг имконияти йўқ бўлса, ёнғин содир бўлганлиги, унинг сабаби, олиб келган оқибати ёритилган матн ўқиб берилиши ҳам мумкин. Роль ижрочиларига шу ҳолат бўйича суд ўтказиш топширилади. Ўқитувчи йўналтирувчи саволлар билан мурожаат қилиб туради. Ўйин орқали ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари очиб берилади.

Ўқувчиларни мустақил ишлатиш учун “**Матнлар билан ишлаш**” усулидан фойдаланиш мумкин. Ўқувчиларга бирор матн тарқатилади. Матнда очиб берилиши лозим бўлган мавзунинг қоидалари киритилади. Масалан 1-синф ўқувчилари билан “Табиатдаги хавфсизлик” дарси олиб борилаётганда, матнда зилзиланинг оқибатлари, содир бўлгандаги ҳаракатлар баён этилиши мумкин. Матн.

“1990 йили Эронда кучли зилзила содир бўлди.

Унинг оқибатида минглаб уй-жойларнинг, 6 та мактаб иморатларининг, 8 та мактабгача таълим муассасаларининг бузилиши кузатилди. Кучли зилзила оқибатида баъзи корхоналарда ёнғинлар, портлашлар ҳам содир бўлган. Шикастланган мактаблар текширилганда, 103-мактабда дарс вақтида содир бўлган бўлса ҳам, зилзила вақтида ўқувчилар тезда парталар остига яширинганликлари, зудлик билан мактаб биносидан стадионга кўчирилганлиги сабабли, ўқувчилар орасида жабрланганлар кузатилмаган. Лекин бахтга қарши 10-мактабда болаларнинг баъзилари саросимага берилиб, кўрқувдан иккинчи қаватдан сакраганликлари сабабли 20 га яқин ўқувчиларнинг жабрланганликлари кузатилган. Бу ҳолатларни ҳисобга олиб мутахассислар барча мактаб ўқувчиларига табиий фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш усулларини ўргатиш зарур деган хулосага келдилар ва қуйидаги қоидаларни болаларга ёд олишни топширдилар. “Болалар зилзила вақтида лифтдан фойдаланиш мумкин эмас. Зилзила вақтида синфда бўлсангиз парталар остига, синф хонасининг ички бурчакларига, эшик ораликларига вақтинча яшириниш мумкин, зилзила тўхтаган заҳоти, зудлик билан хонани тарк этиш зарур”.

Матн билан танишгандан сўнг, уларга ҳаракатларни акс эттирувчи жадвални тўлдириш топширилади.

Яқунловчи дарсларни ўтказишда ўқувчиларнинг билимларини баҳолашда турли ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Шулардан бири “**Мўъжизалар майдони**” ўйини ҳисобланади.

“**Мўъжизалар майдони**” ўйини ўқувчиларнинг фаоллигини оширишга олиб келади. Ўйинни ўтказиш учун айланувчи барабан, харфларни осиб қўйиш мосламаси, ҳарфлар ва саволлар-жавоблар тайёрланади. Мавзу бўйича 5 та савол тузилади ва уларга жавоб сўзлар ёзилган ҳарфлар тайёрлаб

Билар эдим	Билмас эдим	Билиб олдим

қўйилади. Синф ўқувчилари 3 гуруҳга бўлинади. 1-босқичда 1-гуруҳдан 3 ўқувчи ўйинга жалб қилинади. Уларга олдиндан тайёрланган савол берилади, унинг жавобини акс эттирувчи сўзни ёки бўлмаса бир ҳарфини айтиш сўралади. Агар тўғри харф айтилган бўлса, доскага тескари қилиб осилган шу харф очилиб, қолган харфларни топиш топширилади. Сўзни биринчи бўлиб топган ўқувчи ғолиб ҳисобланади. 2, 3 босқичларда қолган гуруҳлардан 3тадан ўқувчилар ўйинга жалб этилади. Улар орасидан ғолиблар аниқланади. 4-босқичда эса ғолиблар ўзаро беллашадилар. Ўйинда ютган ўқувчи мутлоқ ғолиб ҳисобланади. Саволларни ҳар бир мавзу бўйича, чорак, йил давомида ўрганилган мавзулар бўйича тайёрлаш мумкин. Ўқувчиларни нечта гуруҳларга бўлиш, улардан вакилларни

аниқлашда ўйин учун ажратилган вақтни ҳам инobatта олиш керак. Ушбу ўйинни фақат бошланғич синфларда эмас, балки барча синфларда ўтказиш мумкин.

Юқорида кўрсатилган ўйинлардан фойдаланиш дарс савиясини оширишга олиб келади деган умиддамиз.

Адабиётлар

1. Илёсова З.Ф. "Ҳаёт хавфсизлиги асослари". - Т.: 2004 й.
2. Раҳмонов И.Р. ва бошқа. "Инсон хавфсизлиги алифбоси". -Т.2003 й.
3. М.Р.Максиняева. Занятия по ОБЖ с младшими школьниками. -М. 2003 г.

КАСБГА ҚИЗИҚИШЛАРНИ АНИҚЛАШДА Л.СОНДИ ТЕСТИ НАТИЖАЛАРИ

С.Н.АКБАРОВА - ТашПТИ ассистенти

Инсон ҳаётида ва қолаверса жамиятнинг тараққиётида шахснинг тўғри касб эгаллаши муҳим ўрин тутди. Албатта «тўғри касб» замирида шахснинг қизиқишлари, лаёқат, қобилиятлари, соғлиғи, характер хусусиятлари ва у эгаллаган касб ўртасидаги мутаносиблик тушунилади. Ушбу мутаносибликни илғаш баъзан махсус психологик усулларни қўллашни тақозо қилади. Ҳозирги вақтда шахснинг касбий қизиқишларини аниқлаш борасида кўпинча А.Е.Голомштокнинг «Қизиқишлар картаси», «Дифференциал-диагностик сўровнома» методлари кўп қўлланилади. Ушбу усуллар маҳаллий шароитга мослаштирилган методикалар ҳисобланади.

Чет эл адабиётларининг таҳлили давомида касбий диагностикага оид яна бошқа тестлар ҳам мавжудлигини кўриш мумкин. Шулардан бири Л.Сондининг "Суратларни танлаш" методидир. Ушбу усул нафақат касбий қизиқишларни, балки кенгроқ диапазонда психик бузилишларни ёки уларга мойилликни, шахснинг характер жиҳатларини, шахсий хусусиятлари, олий нерв фаолияти турини, конституционал типологиясини, ижтимоий активликни аниқлашга қаратилгандир.

У асосан турли хил психопатологияга эга бўлган шахслар фотосуратларидан иборат бўлиб, текширилувчи танлаган суратлар қамровига қараб унда мавжуд бўлган худди шундай патологик ҳолатларни ташхис қилиш мумкин.

Суратлар 6 сериядан иборат бўлиб, ҳар бири 8 та суратдан иборатдир. Асосий ғоя – патологик жараёнлар билан ўткирлашган шахсий хусусиятларни қўллаш нафақат дифференциал-диагностик мақсадда, балки шахсни ўрганиш мақсадида – кўпгина психодиагностик методлар асосида ётади. Характер жиҳатлари ва шахс хусусиятларининг юқори кўрсаткичларида бу ҳолат нормадан четга чиққан ҳисобланади. Бундай параллелни XX аср бошида Кречмер ҳам келтириб ўтган. Бундай ёндошиш узоқ вақт танқид қилинганлигига қарамай, охири пайтда ушбу метод доимо психиатрларнинг диққат марказида бўлган, психолог, педагог ва бошқа мутахассислар учун ҳам актуал ўрин эгаллаганлиги айтилган.

Ушбу методиканинг касбга йўналтириш фаолиятида қандай ўрин тутиши мумкинлиги бизни қизиқтириб қолди. ТошПТИ (Тошкент педиатрия тиббиёт институти) нинг 7- курс талабаларида аввал

А.Е.Голомштокнинг "Қизиқишлар харитаси" орқали уларнинг касбий қизиқишлари ўрганиб чиқилди. Синолда қатнашган 67 та талабанинг натижалари қуйидагича акс этди. Энг юқори кўрсаткич тиббиёт соҳасига тўғри келиб, талабаларнинг ушбу соҳага қизиқишининг умумий ўртача кўрсаткичи 8,8 ни ташкил этди. Яъни тиббиётга қизиқиш даражаси юқори бўлган ҳолат 91,4% ни ташкил этди. Албатта бу ҳолат, яъни ТашПТИ талабаларининг ўз танлаган касбига қизиқишининг юқори даражадалиги кишини қувонтиради. Демак, ушбу талабалар келажақда шифокорлик фаолиятини бажонудил бажаришлари жамият саломатлиги ишончли қўлларда эканлигидан далолат беради.

Энди мана шу маълумотлар Л.Сонди тести билан қанчалик тўғри келишини кўриб чиқамиз. Л.Сонди тестида асосан, қуйидаги омиллarda шифокорлик фаолияти тавсия қилинган:

1. h- (Инсониятга бўлган муҳаббат омили) - шифокорлик
2. s+ (Садизм омили) - патологоанатом, стоматолог
3. s- (Мазохизм) - тиббий хизматчи, шифокор, ҳамшира
4. e+ (Меҳрибонлик тенденцияси) - Соғлиқни сақлаш мутахассиси
5. p- (Проекция) - мануал терапевт
6. d- (Инерция) - шифокор-терапевт
7. m+ (Объектни сақлаш) - тиш шифокори
8. m- (Объектни итариш) - шифохона бош шифокори, тиш хирург

Лекин бизнинг тадқиқотимизда ушбу омилларга кирган талабалар контингентда қуйидаги фоизни ташкил этган:

- h – 1,7%
- s + 8,9%
- s – 17,9%
- e + 4,4%
- p – 14,9%
- d – 19,4%
- m + 11,9%
- m – 4,4%

Бироқ талабаларнинг 37,3%и юқорида келтирилган ҳеч қайси омилга кирмаган. Демак, тиббиётга қизиқишни аниқлаш бўйича Л.Сонди тести ишончли натижани кўрсатмади. Шу билан бирга бошқа касбларга бўлган қизиқишларни ҳам кўриб чиқамиз. Ҳарбий соҳага Сонди бўйича s+ омили

тавсия қилади. Лекин контингентда ушбу омилдаги сонли ифодалар ҳарбий соҳа билан бирон боғланишни ифода этмади. Худди шу тарзда тасвирий санъатга қизиқиш билан н+ омили ўртасида ҳам боғланиш кузатилмади.

Бир қарашда жуда ўзига тортувчи ушбу Сонди тести мантиқий жиҳатдан ўйлаб қараладиган бўлса, худди рисоладагидек, ҳар бир касбга тегишли психологик омиллар ҳисоб-китоб қилиб тузилгандек кўринади. Масалан, меҳрибонлик тенденциясини намоиш қилувчи е+ омили қуйидаги касбларга йўлланма беради: соғлиқни сақлаш мутахассиси, ўқитувчи, тарбиячи, адвокат. Яъни бу касбларда албатта меҳрибонлик хусусияти шахснинг муҳим характеристикаси бўлиб ҳисобланади. Лекин тадқиқотимизда мана шу мантиқий тасаввурлар ўз исботини топгани йўқ. Тестнинг муаллифи

амбивалент ҳолатлар ва «+», «-» нинг биргаликда келган ҳолатлари учун касбга йўналтириш тавсияларини берганида эди, масалага янада ойдинлик киритилган бўлар эди. Чунки, соф ҳолатдаги «+» ёки «-» омиллар учраш диапазони камроқ намоён бўлар экан. Балки шунинг учун Л.Сондининг “Суратларни танлаш” методи кўп танқидга учрагандир, деб хулоса чиқариш мумкин.

Ҳозирги замонда касбларнинг турли-туманлиги ўзгариб, янгилари пайдо бўлаётганда психологлар ҳам касбга йўналтириш ишларини такомиллаштириб, янада янги методикаларни кашф этиш ёки чет элда мавжудларини маҳаллий шароитга мослаштириш айти муддаодир. Биз ҳам Л.Сонди тестининг бошқа жиҳатларини текшириш устида янги изланишларимизни давом эттириб қоламиз.

РАҲБАРНИНГ КОММУНИКАТИВ ФАЗИЛАТЛАРИ

Ё.ФАРФИБЕВ - Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
«Психология ва касб этикаси» кафедраси катта ўқитувчиси

Раҳбар фаолиятининг асосий қисмини мулоқот жараёни ташкил этади. Инсон ўз фаолияти жараёнида бошқа одамлар билан мулоқотда бўлишига тўғри келади. Бунда шахслар ахборот алмашадилар, бир-бирларига таъсир кўрсатадилар ва тажриба алмашадилар.

Мулоқот ҳар қандай фаолиятнинг зарурий, муҳим жиҳатидир. Мулоқот ёки коммуникация – одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги шаклларида бири. Мулоқот одамларнинг воқеликни акс эттириши натижасини ифодаловчи хабарлар алмашиш жараёни бўлиб, улар ижтимоий борлиқнинг ажралмас қисми ҳамда уларнинг индивидуал ва ижтимоий онги шаклланиши ҳамда амал қилишининг воситасидир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мулоқот бу янги ахборотларнинг алмашинув жараёни бўлиб, бу ҳақда Бернард Шоу қуйидагиларни қайд этади: «Агар менда битта олма ва сизда ҳам шунча олма бўлиб, ўзаро алмашсак, сизда ҳам, менда ҳам биттадан олма қолади, агар ҳар биримизда шахсий фикр бўлсада, уни ўзаро алмашсак, бунда ҳар биримизда иккитадан гоё бўлади»¹. Ушбу фикрлар мулоқот давомида ўзаро фикр алмашинуви муносабатларини ҳаракатга келтиради.

Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолиятини коммуникатив алоқаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мулоқот ходимлар ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг асосини ташкил этади. Ходимлар аҳоли билан мулоқот чоғида хизмат вазифаларини бажарадилар ва табиийки, охир-оқибатда улар фаолиятининг самарадорлиги уларнинг одамлар билан мулоқотга киришиш, психологик алоқа ўрнатиш қобилиятига боғлиқ. Шунинг учун ҳам коммуникатив фазилатлар ички ишлар органлари ходимлари касб маҳоратининг

муҳим таркибий қисмидир.

Мулоқотни моҳирона олиб бориш раҳбарнинг ўз вазифаларини самарали тарзда ташкил этиш имкониятини беради. Ходимларга таъсир этиш, уларга ғайрат бағишлаш, ташкилот мақсади сари етаклаш каби ташкилий вазифалар ҳам раҳбарнинг малакали мулоқоти орқали таъминланади. Ҳар бир раҳбар фуқаролар билан мулоқотда хушмуомалали ва одобли бўлиши, уларнинг шикоятлари ва аризаларига масъулият билан муносабатда бўлиши, уларнинг хатти-ҳаракатларини адолатли баҳолаши жуда муҳимдир.

Ички ишлар органлари ходимларининг коммуникатив фаолияти мураккаб тузилишга эга эканлигини инobatга олиш ҳам зарур. Ички ишлар орган раҳбаридоги мулоқотнинг энг муҳим психологик хусусиятларидан бири унинг *касбий йўналганлиги бўлиб*, у жиноят содир этган шахслар, гувоҳлар, жабрланувчилар ва бошқаларни аниқлаш зарурлиги, яъни мулоқот кўрсаткичларининг муайян ҳақиқатни аниқлаш, жиноятчилар томонидан эса – жиноят ҳолатларини яшириш, жавобгарликдан қочишга интилиш, ёлғон ахборот беришга ҳаракат кузатилади.

Раҳбар ва ходим ўртасида доимо *психологик тўсиқ борлиги* туфайли мулоқот қийин кечиши мумкин. Бу ўз навбатида жамоа орасидаги психологик иқлимга ўзининг салбий таъсирини ўтказиши мумкин. Шунинг учун раҳбар ходим билан мулоқотга киришар экан, раҳбар ҳар бир ходимнинг ўзига хос шахсий сифатларини инobatга олиши зарур бўлади.

Шундан келиб чиқиб ички ишлар орган раҳбари қуйидаги зарур коммуникатив фазилатларга эга бўлиши жуда муҳим:

- шахслар билан тезда психологик алоқа ўрнатиш ва уларни ўзига мойил қилиш қобилияти;

¹ М.С.Коган. Мир общения – М., 1990 - 149-150 бет

- бошқаларни эшита олиш қобилияти;
- хизмат фаолияти давомида ходим ва фуқароларга психологик таъсир кўрсатиш қобилияти;
- мулоқот чоғида психологик тўсиқларни енгил қобилияти;
- мулоқотдаги зиддиятли ҳолатларни бартараф этиш қобилияти.

Ички ишлар орган раҳбари ҳар кунги фаолияти давомида турли вазиятларда кўплаб инсонларга дуч келади, улар билан мулоқотга киришади. Раҳбар ушбу инсонлар билан алоқага қанчалик моҳирлик билан кириша олса, уни қанчалик тез ва самарали бажарса, фаолиятининг охириги натижаси ҳам шунчалик кутилган самарани олиб келади. Шахсларни ўзига мойил қилиш, уларнинг ишончини қозониш қобилияти ишончли муносабатлар ўрнатишга ундан оператив аҳамиятли маълумотларни олишга имкон беради.

Мутахассис олимлар мулоқот жараёни самарадорлигини оширишга имкон берадиган энг муҳим фазилатлардан бири сифатида бошқа одамларни тинглай олишдир, деб ҳисоблайдилар. Сиз ҳамсуҳбатингизни диққат билан тинглаганингизда бу билан ўзингизнинг у айтаётган гапларга қизиқишингизни намоён этасиз, унга нисбатан ҳурматингизни намоён этасиз. Бу эса психологик алоқа ўрнатишни енгиллаштиришга албатта ёрдам беради.

Инсонни тинглаш қобилияти мулоқотнинг дастлабки босқичида мавжуд бўлиши муқаррар бўлган психологик зўриқишни бартараф этишга имкон беради. Одатда тинглашнинг фаол ва пассив кўринишлари эътироф этилади. Фаол тинглаш, ўзгалар фикрини идрок этиш давомида тушунилганлик аломатларини намоён этишни англайди. Бунда суҳбатдошлар масала моҳиятини аниқлашга оид саволлар беришади, суҳбатнинг асосий қисми юзасидан хулосалар баён этилади.

Фаол тинглаш давомида шахс фаоллигининг асосий уч жабҳаси намоён бўлади. Булар қуйидагилар:

- диққатнинг суҳбатдошга йўналганлиги – визуал, яъни кўз контакти, гапирувчига ҳурмат, сабр-тоқат, тинглашга тайёргарлик;
- фаоллик – мақсадга йўналганлик, қайта алоқа,

тушунарли баён этиш, одоб-интизом;

- хайрихоҳлик – устунликка интилмаслик, ўз ҳиссиётини назорат этиш, маълумотни эътироз билдирмай қабул қилиш, салбий ҳиссинг йўқлиги, оптимал нутқ темпи.

Пассив тинглашда эса суҳбатдошни тушуниш аломатлари минимал даражада намоён этилади. Масалан, “ҳмм”, “ҳа”, “тушунарли” каби иборалар билан чекланилади. Муаммоли ва қийин вазиятдаги мулоқот олиб боришда иложи борица фаол тинглаш малакасини намоён этиш лозимдир. Бундай шароитда пассив тинглаш суҳбатдошлар орасида тушунмовчиликни, ўзга томон ҳолати ва тасавури ҳақида маълумот етишмаслигини юзага келтиради.

Ички ишлар орган раҳбари мулоқот давомида инсонлар билан тўғри ва моҳирона муомала қилиши, балки уларга руҳий таъсир кўрсата олиши, уларни ўз нуқтаи назарига мойил қилиши, ишонтириши, уларнинг хатти-ҳаракатларидаги ижобий ишларни рағбатлантириши, ҳаққоний маълумотлар беришга мажбур қилиши ҳам муҳимдир. Раҳбар ходим доимо инсонлар билан мулоқотга ушбу инсон уни оддийгина қизиқтиргани учунгина эмас, балки унинг фикрини, муносабатини ўзгартириш учун киришаётганлигини ёдда тутиш зарур. Айнан мулоқот жараёнидаги руҳий таъсир кўрсатиш ана шу мақсадга эришишга ёрдам беради.

Раҳбарнинг мулоқот малакасини ифодаловчи асосий жиҳатлардан бири сифатида унинг мулоқот соҳасидаги фаоллиги бўлиб ҳисобланади. Ушбу фаоллиқнинг мақсадга йўналганлиги, англаган тарзда ва эркин ижро этилиши инсоннинг мулоқот жараёнини қанчалик моҳирлик билан амалга оширишини ифодаловчи асосий белгилардандир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мулоқот ички ишлар органлари ходими фаолиятида муҳим аҳамият касб этади, ҳамда унинг зарурий қисмидир. Келтириб ўтилган раҳбарнинг коммуникатив фазилатлари раҳбарнинг фаолият жараёнида алоҳида ўрин эгаллашини кўришимиз мумкин. Шунинг учун раҳбар доимо ўзининг коммуникатив фазилатларини шакллантириб бормоғи талаб этилади ҳамда мулоқотнинг энг муҳим психологик қонуниятлари тўғрисида тўғри тасаввур ҳосил қилиши заруратдир.

«ТИКУВ БУЮМЛАРИНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ» ФАНИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

**М.Х.АХМЕДОВА, Н.А.АСТАНКУЛОВА - Тошкент тўқимачилик
ва енгил саноат институтини талабалари**

Ахборот технологияларининг ривожланиши кун сайин ўсиб такомиллашиб ва мураккаблашиб бормоқда. Шу тариқа барча тармоқлар манфаатларига таъсир этувчи кенг миқёсдаги иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий ечимларни ҳал қилишни талаб қиладиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Унда

«Фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун шарт – шароитлар яратиш...» деб белгилаб қўйилган. Қайси соҳа бўлишидан қатъий назар янги ахборот технологияларини ушбу соҳага татбиқ этиш ҳозирги куннинг талаби бўлиб бормоқда. Ушбу соҳалар қаторига бевосита таълим тизимини киритишимиз ва таълим соҳасидаги ислохотларнинг асосий негизини

янги ахборот технологияларидан самарали фойдалана оладиган малакали мутахассислар тайёрлашдан бошлаш лозимлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш бевосита таълим муассасаларининг моддий – техник ва ахборот технологиялар базасини мустаҳкамлаш, юқори сифатли ўқув адабиётлар, дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалар ва маъруза матнларини яратиш, электрон кутубхоналар ташкил этиш билан боғлиқдир.

Ўқувчиларни ахборот – коммуникациялар технологияларини қўллаш асосида ўқитиш янги таълим стандартига айланмоқда. Замон талаби билан техника тараққиётига боғлиқ ҳолда мустақил таълим турини такомиллаштиришга кенг эътибор берилляпти. Компьютерда ўқитиш тизимлари, масофавий таълим, электрон дарслик кабилар шулар жумласига киради.

Компьютерда ўқитиш тизимлари видеокассеталарда ахборотлар кетма – кет жойлашган курсларга нисбатан кенг имкониятларга эга. Яъни ўқувчи ўзини қизиқтирган ва хоҳлаган мавзунга хоҳлаган вақтида ўқийди ва ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Бундан ташқари, бундай тизимлар самарали баҳолаш ва билим олиш жараёнини назорат қилиш воситалари билан жиҳозланганлигини ҳам эътиборга олиш зарур.

Таълимнинг бу тури шахснинг кўриш хусусиятлари орқали манбаларни ўзлаштиришга асосланган бўлиб, унда маълумотлар ранг-баранг, роликли ҳаракатлар турли расм, чизма, дестаграмма, жадвал ва ҳоказолар орқали намойиш этилиши билан фарқланади. Шахснинг кўриш хусусиятига таъсирчанликнинг оширилиши манбаларни қабул қилишда хотирада сақлаб қолиш жараёнини кучайтиради. Яъни педагогик билим бериш методида кўргазмалилик усули имкониятидан максимал ҳолда фойдаланилади.

Енгил саноат технологияси йўналишидаги таълим оловчи колледж ўқувчилари учун мўлжалланган «Тикув буюмларни конструкциялаш» фани бўйича электрон дарсликни ҳам масофадан ўқитиш тизими сифатида қабул қилиш мумкин. Чунки, унинг имкониятлари замонавий ўқув дарсликларидан асло қолишмайди. Бу электрон дарслик ичига асосий қилиб қуйдагиларни киритиш мумкин:

- Маърузалар – «Тикув буюмларини конструкциялаш» фани бўйича маърузалар тўплами (6 та мавзу) бўлиб таълим оловчилар учун бу асосий назарий қисми ташкил этади;

- Саволлар – Ўқилган мавзулар бўйича саволлар йиғиндиси. Ҳар бир мавзунга ўқиб бўлинганидан сўнг саволларга жавоб ёзиш учун рухсат берилади;

- Тестлар – Саволларни ўқитувчи баҳолаганидан сўнг тестларга рухсат берилади. Тестлар турлича бўлиб, уларда, бир вариантли ёки бир неча вариантли тестлар бўлиши кутилади;

- Глоссарий – Бунда «Тикув буюмларини конструкциялаш» фани бўйича асосий терминлар ёритилган бўлиб, у ёрдамида керакли бўлган терминнинг мазмунини тезда топиш мумкин.

- Шахсий Хона – Ўқувчиларга ўзининг фаолияти билан танишиш имкониятини беради. Ўзлаштириш даражаси ҳамда савол ва тест баҳоларини кўриши мумкин;

- Гуруҳ журнали – Ўқувчи ўзи ўқийдиган гуруҳининг ҳамма иштирокчиларини (маъруза, савол, тест) ўзлаштириш даражаларини экранда кўриши мумкин;

- Электрон дарсликни янада интерактив бўлишини таъминлаш мақсадида қуйидаги қўшимча қисмларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- Форум – бу восита орқали таълим оловчининг ўзаро ёки ўқитувчи билан турли мавзулар бўйича савол жавоб қилишлари ҳамда муаммолар ечимини топишни виртуал шаклда ҳал этишлари мумкин.

- Чат – виртуал шаклда берилган мавзу бўйича электрон суҳбатлар, муҳокамалар, он-лайн семинарлар ташкил этиш мумкин.

- Эълонлар тахтаси – тизимдаги барча иштирокчилар учун тегишли бўлган хабарларни ўқитувчи томонидан эълон қилиш учун ишлатилади.

Энди электрон дарсликни ишлаш принципи билан танишиб чиқамиз. Электрон дарсликдан фойдаланувчи ҳар бир ўқувчи ўзининг «фойдаланувчи исми» (логин) ва «калит сўз» (пароль)га эга бўлиши керак. Электрон дарсликка кириш учун иштирокчи «фойдаланувчи исми» ва «калит сўз»ни тўғри киритиши кифоя қилади. Таълим оловчини сервер компютери тезда аниқлаб сўнг электрон дарсликнинг бош саҳифасига киришига рухсат беради. Шундан кейин ўқувчи электрон дарсликдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Масалан: ўқувчи биринчи маърузани ўқиб бўлганидан сўнг, шу мавзуга оид саволларга жавоб беришига рухсат этилади. Саволларга берилган жавоблар ўқитувчига автоматик равишда жўнатилади ва ўқитувчи жавобларни ўқиб сўнг (аъло, яхши, ўрта каби баҳолар билан) баҳолаши мумкин. Берилган жавобларга баҳо қўйилганидан сўнг ўқувчи тестни бажаришига рухсат берилади. Таълим оловчи унга қўйилган баҳоларни «Шахсий хона» ёки «Гуруҳ Журнали» саҳифаларига кириб, хабардор бўлиши мумкин. Барча мавзуларни ўзлаштириш шу тариқа амалга оширилади.

Ўқувчи ўқиш жараёнида зерикиб қолмаслиги ва ўқиш жараёни қизиқарли бўлиши учун қўшимча дастурлар ва қизиқарли тестлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Шу қаторда таълим оловчи «Тикув буюмларни конструкциялаш» соҳасидаги Интернет янгилекларидан хабардор бўлиши учун «фойдали сайтлар»да кўрсатилган саҳифалардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, ушбу саҳифаларда тикув буюмларни конструкциялаш соҳасига боғлиқ бўлган корхона ва ташкилотларнинг манзиллари келтирилиб бориши ҳам инобатга олинади.

Яратилган электрон дарсликнинг ўқувчи ва ўқитувчилар учун фойдали томонлари қуйидагилардан иборат:

- Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг электрон дарсликдан фойдаланишлари биринчи навбатда, уларда компютер саводхонлигини оширишга хизмат қилади;

- Таълим оловчи «Тикув буюмларни конструкциялаш» фани бўйича зарурий материалларни ўзларига қулай пайтда ёки жойда қайтадан такрорлаб бориш имкониятига эга бўладилар, яъни маълумот ташувчиларга (диск, компакт – дискларда) ёзиб олинган маъруза ва амалий машғулотларни ҳамда бошқа маълумотларини ўзларига қулай пайтда ўқиш

имконияти мавжуд;

- Мавзу ёки шу соҳа юзасидан чизма, андозаларни аниқ ва тўғри, хатосиз кўчириб олиш имкони бўлади. Бу маълумотлар асосида ўзига доимий қўлланадиган андозалар ва бошқа материаллар тайёрлаб олишлари мумкин.

- Дарс бераётган профессор – ўқитувчиларнинг қимматли вақти ва кучини тежашга ва уларни бошқа фаолият турларига сарфлашга имкон беради;

- Кутилмаган вазиятларда ўқитувчини вақтинчалик тўлдириб туриш ўқувчиларни автоматик равишда рўйхатдан ўтказиб бориш, уларни дарсда иштирок этиш фаоллигини доимий баҳолаб бориш имкониятларини беради;

- Ўқувчилар мустақил ва эркин бўлишади, яъни исталган вақтда машғулотларга қатнашиш ва ўзлари хоҳлагандай машғулотларга тайёргарлик кўришади;

- Ўқувчилар ўтилган маърузага боғлиқ турли маълумотларни таҳлил қилиш имкониятига эга бўлишади, яъни таълим олувчилар интернетда мавжуд бўлган бошқа курслар билан танишган ҳолда ҳар бир масалага танқидий ёндашишга ҳаракат қилишади. Бу эса ўқувчиларда танқидий фикр юритишини шакллантиради.

- Ўқувчилар ўқув жараёнига оид янгиликлардан хабардор бўлишлари тезлашади, тезда интернетнинг ахборот воситаларидан керакли маълумотларни топиш имкониятига эга бўлишади;

- Таълим олувчилар виртуал муҳитда фикр алмашиш имкониятига эга бўлишади. Маълумотларни чат, форум ёки электрон почта орқали бир – бирларига узатиш ва қабул қилиш имкониятига эга бўлишади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб масофадан ўқитиш ҳозирги кундаги ўқиш жараёни сифатидан юқори даражада билим олиш имконини беради. Янги замонавий ахборот технологиялари асосида масофадан ўқитиш, электрон дарсликлар, электрон услубий қўлланмалар ва маъруза матнларини яратиш каби жараёнлар таълим сифатини ошириш ҳамда таълим олувчиларнинг билим савиясини оширишнинг негизи ҳисобланади.

Масофавий таълим асосий таълимга кўшимча, илова сифатида ўзлаштирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айниқса ёшларнинг компьютер ва интернет тармоқларидаги турли хил жангари ўйинлар, ахлоқсиз кинофильмлар, ҳаёсиз сайтларга кириб

вақтларини беҳуда ўтказиб, салбий хусусиятларни ўзлаштирганларидан кўра, бирор қўшимча касб-хунар, маълумот, билим олганлари эртанги кунлари учун албатта фойдадан ҳоли бўлмайди.

Масофавий таълим тизими ҳозирда республикамизнинг Андижон, Қўқон, Наманган ва Фарғона вилоятларида йўлга қўйилган. Қуйида келтирилган сайтлар орқали улар билан танишиш мумкин, яъни:

- <http://www.college.ru> – «Очиқ коллеж». Мактаб дастури фанларини ўрганиш мумкин.

- <http://businesslearning.ru> – «Distansion business ta'lim» сайтларида «Тадбиркорлик асослари» «Ҳуқуқшунослик», «Иқтисодиёт», «Менежмент», «Молия», «Ҳисоб ва солиқлар», «Маркетинг», «Хавфсизлик», «Ижтимоий билим асослари», «Математика ва табиий билим асослари», «Информацион технологиялар» ва «Бизнес стратегия».

- <http://www.intuit.ru> – «Информацион технологиялар

- Internet Universiteti». ИТ, Иқтисодий ва бошқа курслар.

- <http://mylanguage.ru> – Рус тилини ўрганувчилар учун масофавий курс.

- <http://www.englishpage.com> – on-line инглиз тили дарслари.

- <http://www.study.ru> – бу сайтда нафақат инглиз тили балки бошқа дунё тилларини ўрганиш ҳам мумкин.

- <http://www.englSPACE.com> – электрон кутубхона ва бошқалар.

Ҳар бир таълимнинг охирида олинган билимларни текшириш учун тест берилади. Муваффақиятли тугатганлар сертификат, диплом олиши мумкин.

Адабиётлар

1. Абдуқодиров А.А., Хайитов А., Шодиев Р.Р. Ахборот технологиялари. -Т. «Ўқитувчи» 2002.

2. Йўлдошов Ж.Т., Усмонов Ж.Т. Педагогик технология асослари. -Т. 2004.

3. Саидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. -Т. 2003.

4. Бекназарова Л., Жабборов А. Ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг психологик асослари -Т. «Фан», 2008.

5. www.dl.uz/guestbook/

6. www.uforum.uz.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ ФОНЕТИК-ФОНЕМАТИК НУТҚ КАМЧИЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА КОРРЕКЦИОН-ЛОГОПЕДИК ИШ ТИЗИМИ

Д.Т.ПЎЛАТОВА - Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси



Фонетик-фонематик нутқ камчилиги - бу товушларни талаффуз этиш ва идрок қилиш жараёнидаги камчиликлар натижасида болаларда она-тилидаги товушларни талаффуз қилиш тизими шаклланишининг бузилишидир.

Нутқи фонетик-фонематик томондан ривожланмаган 3-4-5 ёшли болалар нормал эшитувчи ва нормал интеллектли, нутқи ва бунда нутқнинг товуш томонининг шаклланмаганлиги асосий ўрин эгаллайди. Бу болалар учун фонематик идрокнинг шаклланиш жараёнининг тугалланмаганлиги хосдир.

Нутқ камчиликлари товушларни нотўғри талаффуз қилиш билан чегараланиб қолмай, шунингдек, товушларни етарли фарқламаслик ва сўзни товуш томондан анализ қилишдаги қийинчиликлар учрайди.

Бундай нутқ камчилигида нутқнинг идрок ва талаффуз қилиш нуқсонларига асосланган фонетик-фонематик томонининг бузилиши биринчи ўринда туради. Шу билан бирга баъзи болаларда лексик-грамматик тараққиётида кўпол ифодаланмаган орқада қолиши ҳам кузатилиши мумкин. Бу тоифадаги болаларга хос хусусият артикуляцион ёки акустик белгиларига кўра фарқ қиладиган товушларнинг шаклланиш жараёнининг тугалланмаганлиги бўлади. Бу ҳолда бола нутқда дифференциацияланмаган товушлар бўлиши, товушларни алмаштириш, нутқда уларни тўғри қўлламаслик, кўплаб товушларни бузиб талаффуз қилиш, шунингдек, товушларни эшитишга кўра етарли фарқламаслик кузатилади.

Шундай қилиб, фонетик-фонематик ривожланмаганлик гуруҳига кирувчи болаларнинг оғзаки нутқда қуйидаги талаффуз камчиликлари кузатилади:

а) товушларни артикуляцион жиҳатдан осон бўлган товушларга алмаштириш;

б) бир ёки бир нечта товушни бузиб талаффуз қилиш;

в) бир ёки бир нечта товушнинг йўқлиги.

Фонематик идрокнинг бузилиши:

а) фонемаларни ўз нутқи ва бошқалар нутқида аниқ фарқламаслик (биринчи навбатда жарангли-жарангсиз, сирғалувчи-шовқинли, шовқинли-аффрикат товушлар);

б) товушларни оддий анализ ва синтез қилишга тайёр эмаслик;

в) нутқнинг товуш таркибини анализ қилишдаги қийинчиликлар.

Кўпинча товушларни нотўғри талаффуз ва идрок қилиш билан бирга кўп бўғинли сўз ва сўз бирикмаларини талаффуз қилишда қийинчиликлар кузатилади.

Логопедик-ривожлантирувчи ишларининг асосий йўналишлари коррекцион мактабгача тарбия муассасаларида таълимнинг нутқ камчиликларига эга бўлган болаларни тарбиялаш болалар боғчаси тарбия дастурига мувофиқ ташкил қилинади. Фонетик-фонематик нутқ камчилигига эга бўлган беш ёшли болалар дастурда оммавий типдаги мактабгача тарбия муассасаларнинг мактабга тайёрлов гуруҳларига мўлжалланган билим, кўникма ва малакалар ҳажмини ўзлаштиришлари керак.

Фонетик-фонематик жиҳатдан ривожланмаган болалар гуруҳларига олиб келинган болалар 9 ой ичида умумтаълим мактабида муваффақиятли билим олиш учун зарур бўлган асосий топшириқлар, кўникма ва малакалар ҳажмини ўзлаштириб олишлари лозим.

Нутқ фаолиятининг айрим томонларини ривожлантиришга қўйиладиган талабларни аниқлаш мақсадида қуйидаги махсус ишлар амалга оширилади:

- талаффуз ва фонематик идрокни шакллантириш;
- атроф-муҳит билан таништириш ва нутқ ўстириш.

Тузатувчи таълимнинг мақсади: болаларда умумий ва нутқ нуқсонини тузатиш ҳамда болаларнинг нутқий фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган махсус логопедик метод ва усулларни қўллаш билан боланинг ёшига мувофиқ луғат бойлиги ва мустақил нутқ билан бирга тўғри, аниқ, равон нутқни тарбиялашдан иборатдир. Логопедик иш талаффуз малакаларини шакллантириш, фонематик идрокни, товушлар анализи ва синтези ма-лакаларини ривожлантириш йўналишлари бўйича олиб борилади. Тузатилган нутқий материал устида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- болаларда сўзнинг морфологик составига ва сўзларнинг ўзгаришига эътиборни жалб этиш ҳамда сўзларнинг гапда боғланишини ривожлантириш;

- болаларда оддий ёйиқ ва қўшма гапларни тўғри тузиш, нутқда турли конструкциядаги гапларни эгаллаш;

- кўникмаларини тарбиялаш;

- нутқни ривожлантириш;

- луғатни бойитиш;

- талаффузни тўғрилаш асосида саводга тайёрлаш.

Тарбиячи олиб борадиган машғулотларда болаларнинг атрофдаги предметлар ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлар ҳосил қилиш ва уларни тизимлаштириш, табиий ва ижтимоий ҳодисалар билан таништириш билан бир вақтда болаларнинг луғат бойлиги кенгайтирилади, сўзлашув ва тасвирий, ҳикоя нутқи ривожлантирилади.

Шундай қилиб, болалар нутқи турли йўллар билан ривожлантириб борилади, лекин бир мақсадни - таълим ва тарбия бериш жараёнида болаларнинг нутқий тараққиётидаги камчиликларини йўқотиш ва уни мактабда кўникма ва малакалар олишга тайёрлашни кўзда тутади.

Логопедик машғулотлар қуйидаги бўлимлардан иборат:

1. Талаффуз ва фонематик идрокни шакллантириш ва нутқ ўстириш.

2. Саводга ўргатиш.

Тузатувчи таълим тизими учта изчил даврдан иборат, уларнинг ҳар бири ўз мақсад ва вазифаларига эга.

Таълимнинг биринчи даврида (сентябрь-ноябрь) фронтал машғулотлар фақат «Талаффузни шакллантириш ва нутқ ўстириш» бўлими бўйича ўтказилади (ҳафтада 5 марта). Таълимнинг иккинчи даврида (декабрь-март) савод тайёрлаш ҳафтасига иккита машғулот, талаффузни шакллантириш ва нутқ ўстиришга ҳафтасига 3 машғулот ажратилади. Таълимнинг учинчи даврида (апрель-июнь), яъни ўқув материалига ҳар қандай товушни киргизиш мумкин бўлган даврда (бу вақтда товушлар талаффузининг қўйилиши тугалланган бўлиши лозим) ҳафтада бир ёки иккита машғулот нутқ ўстиришга, бир ёки иккита машғулот талаффузни шакллантиришга ажратилади. Июнь-август ойларида ўтилган материални мустаҳкамлаш бўйича яқка тартибдаги тузатиш ишлари ўтказилади.

Машғулотлар сони логопед томонидан болалар контингентини ва уларнинг ҳаракатланиш динамикасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Талаффуз ва фонематик идрокни шакллантириш ва нутқ ўстириш

Талаффузни шакллантириш. Бу бўлим бўйича асосий тузатиш ишлари қўйидагилардан иборат:

- талаффуз жиҳатдан аниқ фарқ қиладиган, бир-бирига қарама-қарши қўйиладиган фонемаларни шакллантириш;

- бўғинлар мураккаблигига кўра турлича сўзларни талаффуз қилишга ўргатиш; эгалланган мустақил нутқ малакаларидан эркин фойдаланишга ўргатиш.

Қўйилган вазифаларни бажариш учун биринчи навбатда махсус логопедик усуллар ёрдамида товушлар талаффузидаги нуқсонлар тузатилади ва нутқда бор товушлар аниқлаштирилади. Тўғри артикуляция малакаларини шакллантириш қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишнинг асосий шартларидан биридир.

Фонематик идрокни ва эшитиш хотирасини ривожлантиришга махсус вақт ажратилади: болалар нутқни тинглашга, нутқнинг айрим товуш элементларини фарқлаш ва эсга туширишга, эшитиб идрок қилинган материални эслаб қолишга, ўзларининг ва бошқалар нутқининг жаранглашини таққослашга ўрганадилар.

Артикуляцион малакалар ва фонематик идрокни ривожлантириш нутқнинг товуш таркибини анализ ва синтез қилишни ривожлантириш билан бир вақтда олиб борилади. Сўзнинг товуш таркибини анализ ва синтез қилишни кўзда тутувчи машқлар фонемалар тузиш жараёнини нормаллаштиришга ёрдам беради ва болаларни саводни ўзлаштиришга тайёрлайди.

Тузатувчи таълимнинг барча даврларида товушларни тўғри талаффуз қилишни мустаҳкамлаш диққатини ривожлантириш, товуш таркибига кўра мураккаб сўзларни талаффуз қилишдаги қийинчиликларни бартараф қилиш иши билан кўшиб олиб борилади.

Ўрганилаётган товушларни ва товуш-бўғин таркибига кўра турлича сўзларни тўғри талаффуз қилишни мустаҳкамлаш босқичида тузатувчи машқлар материали нутқнинг лексик ва грамматик бирликларини бир вақтда ривожлантиришни назарда тутган ҳолда танланади.

Талаффузни шакллантириш иши яқка тартибдаги (гуруҳли ва фронтал) машғулотларда амалга оширилади. Бўлим бўйича тузатувчи таълимнинг вазифалари болаларда тил доирасида кузатиш ва умумлаштириш қобилиятини ривожлантириш, ўзлаштирилган лексик ва грамматик материални боғланган нутқнинг турли кўринишларида амалий қўллаш малакасини кенгайтиришдан иборатдир.

Лексик-грамматик машқлар болалар томонидан тўғри талаффуз қилинадиган материал асосида ўтказилади, бу материалнинг товуш таркибига мустаҳкамлаш босқичидаги тўғриланган товушлар қиради. Сўзнинг асосий қисмини эшитиш, ажратиш ва тўғри талаффуз қила билиш тилни кузатишни ривожлантиради, кейинчалик нутқни мустақил такомиллаштириш учун шароит яратади.

Болалар луғатини бойитиш ва аниқлаштириш бўйича асосий ишни тарбиячи олиб боради. Нутқ ўстириш бўйича ишни логопед давом эттиради ва фаолиятини чуқурлаштириб боради, бунда у ўз олдига қўйидаги: болалар луғатини кенгайтириш, уларнинг диққатини сўзларнинг маъносига ва сўз тузишнинг баъзи усулларига жалб этиш, бор луғатини таҳлил қилиш каби вазифаларни қўяди.

Эшитув диққатини ривожлантириш

Мавзу: Болаларда эшитув диққатини бир нуқтага тўплай олиш малакасини ҳосил қилиш.

Машғулотнинг мақсади: Болаларни товушга тақлид қилишини эшитиб, қайси ўйинчоқ шундай овоз чиқаришини аниқлашга ўргатиш.

Олдиндан қилинганлиги: Эшитув диққатини ривожлантириш бўйича иш олиб борилган.

Машғулотга тайёргарлик: Логопед овоз чиқарадиган ўйинчоқларни: сигир, кучук, эчки, мушук, қўй ва ҳоказоларни тайёрлаб қўяди.

«Топ, нима қичқираяпти?» ўйини

Ўйиннинг қисқача мазмуни: Логопед олдиндан тайёрлаб қўйилган ўйинчоғини биттадан олиб, уни болаларга кўрсатади, овозига тақлид қилади ва болалардан бу қайси ҳайвоннинг овози эканлигини сўрайди. Навбатдаги ўйинчоқни болаларга яширган жойидан олиб овозини қилиб кўрсатади ва болалардан «Топингларчи, ҳозир бизга қайси (ўйинчоқ) ҳайвон меҳмон бўлиб келади» деб сўрайди. Сўнгра логопед бир болага бошқа хонага ўтиб, эшигини қия (бир оз) очиб қўйган ҳолда бирон-бир ҳайвоннинг овозига тақлид қилишни айтади, бошқа болалар эса у қайси ҳайвоннинг овози эканлигини топадилар.

Методик кўрсатма. Ўйинни 5-6 марта такрорлаш мумкин. Болаларнинг диққат билан эшитишларини кузатиб туриш керак. Ҳамма болаларни: саволлар бериб фаоллаштириш керак.

Эшитув диққатини ривожлантириш

Мавзу: Мустаҳкам эшитув диққатини ривожлантириш.

Машғулотнинг мақсади: Болаларни нарсанинг жарангдорлигига қараб аниқлай олишга ўргатиш. Олдиндан қилинган иш: Болалар ўйинчоқларни овозига қараб билиб олишга ўрганишган. Машғулотга тайёргарлик: Логопед мусиқавий ўйинчоқлардан: доира, гармошка, бубен, пианино ва бошқаларни танлаб олади.

«Мен нимани чаляпман, топ» ўйини

Ўйиннинг қисқача мазмуни: Логопед болаларни мусиқали ўйинчоқлар билан таништиради. Сўнгра бу ўйинчоқларни парда орқасига яширади. Парда (ширма) орқасида туриб, биронта мусиқавий ўйинчоқни чалади ва болалардан қайси мусиқали ўйинчоқни чалганини сўрайди. Ким уни тўғри топса, шу бола парда орқасидан мусиқавий ўйинчоқни олиб, уни чалади. Методик кўрсатма: Болалар тинчгина ўтириб, оҳангни диққат билан тинглаши керак. Бир машғулотда тўрт хилдан кўп мусиқали ўйинчоқ бўлмаслиги керак. Ўйинни 5-6 мартта такрорлаш керак.

КАР БОЛАНИНГ ОИЛАДА РИВОЖЛАНИШИ

З.Н.МАМАРАЖАБОВА - Низомий номидаги ТДПУ доценти

Кар болаларга таълим ва тарбия бериш тизими уларнинг ривожланишини коррекциялашга, уларнинг тўлиқ бўлмаган ўрта умумтаълим мактаблари хажмидаги билимга эга бўлишларига ва кар ўсмир йигит ва қизларнинг замон талабидаги меҳнат кўникма ва малакаларига, касб-ҳунарга эга бўлишларига йўналтирилгандир.

Мактабгача ёшдаги кар болалар таълим ва тарбияси махсус МТМ (мактабгача таълим муассасалари) ва кар болалар учун мактаблар таркибидаги гуруҳларда амалга оширилади. Етти ёшга тўлган кар болалар махсус мактабларга юборилади. Бундай мактаблардаги барча ўқув тарбиявий ишлар махсус дастур асосида олиб борилади ва авваломбор болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, уларнинг шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга, умумтаълимий билимлар ва меҳнат тайёргарлигига эга бўлишга қаратилгандир.

Агар мактаб боланинг ота-онаси томонидан қўллаб-қувватланса, боланинг таълим ва тарбиясида педагог ва ота-оналар доимо узвий алоқада бўлсалар, ижобий натижалар янада кўп ва тез эришилишини унутмаслик керак. Бу ҳамкорликда бошқарувчилик ва ташкилотчилик роли махсус мактабга тегишли бўлади. Шу билан бирга кар бола шахсининг тўлиқ ривожланиши, унинг оғзаки нутқини шакллантириши ва тафаккурининг ўсиши кўп жиҳатдан болага унинг оила аъзолари ва ота-онаси кўрсатаётган ёрдамга боғлиқ. Бу айниқса мактаб таълимининг дастлабки босқичида жуда муҳимдир (тайёрлов синфи ва 1 синф) Ота-оналар мутахассис дефектолог ёрдамида боланинг билим доирасини кенгайтиришлари, қизиқувчанликни кучайтиришлари, бардошини шакллантиришлари, унда оғзаки мулоқотга эҳтиёжни, китобларга қизиқишни тарбиялашлари мумкин.

Боланинг мактабдаги илк кунларидан бошлаб ота-оналар синф раҳбари билан мулоқот ўрнатишлари керак. Педагогга бола характерининг ўзига хос хусусиятлари, унинг қизиқиш ва машғулотлари ҳақида батафсил гапириб бериш керак. Ўқитувчининг рухсати билан ота-оналар дарсларда қатнашишлари, кар болаларни ўқитишнинг метод ва усуллари билан танишишлари мумкин бўлади. Ота-оналар билан суҳбатлашиш давомида ўқитувчи дефектолог кар болаларни нутққа ўргатишнинг ўзига хос жиҳатларини, болани унинг атрофидаги барча нарса ва ҳодисаларни тушунтириш, унинг қизиқишлари ҳақида суҳбатлашиш кераклигини гапириб беради.

Ота-оналар ва болалар мактабга сингиб кетишлари, унинг қизиқишлари ва ҳаётининг ажралмас қисмига айланишлари керак. Болалар ота-оналари билан синф, мактабни жиҳозлаш ва безашда мактаб ховлисини кўкаламзорлаштиришда иштирок

этадилар. Ўқитувчи синфда бошлаган ишининг давоми сифатида дарсларни уйда давом эттириб, болани ҳар куни синчковлик билан мактабда ҳам, уйда ҳам ишлашга ўргатиши керак. Асосий эътибор боланинг умумий ривожланишига, унинг нутқини шакллантиришга, нутқий малака ва кўникмаларни мустаҳкамлашга, эшитув аппаратларидан тўғри фойдаланишга қаратилади.

Умумий ривожланиши – бу нафақат мактабда эгалланган билим, балки ўқув дастуридан ташқари эгалланган билимлар, билиш фаолиятининг ривожланиши, идрок этиш қобилиятларининг, мустақил билим эгаллаш малакаларининг ҳам ривожланишидир. Агар болалар табиат ва жамият ҳақида ҳеч бўлмаганда умумий тасаввурга эга бўлсалар ҳам турли ўқув фанлари (математика, табиатшунослик, ва ҳ.к) бўйича билимларга тезроқ ва чуқурроқ эга бўлиб борадилар. Билимларни маълум қилишни сўзлар, нутқсиз амалга ошириб бўлмаганидек, боланинг умумий ривожланиши унинг нутқий ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Билим доираси қанчалик кўп бўлса, кар боланинг нутқи шунчалик бой ва тўлиқ бўлади. Лекин шу билан бирга болани турли-туман маълумотлар билан ҳам кўмиб ташлаб бўлмайди. Янги маълумотларни тақдим этишда кетма-кетлик ва тизимлилик жуда муҳим бўлиб, янги сўз ва ибораларни кўп маротаба такрорлаб бориш талаб этилади. Механик равишда ёд олиш жуда ҳам самара беришини унутмаслик керак. Янги материални ўзлаштириш - жуда мураккаб ишдир. Турли сўз ва иборалар маъноларини эслаб қолиш ва тушунишда қуйидагича усуллар яхши самара кўрсатади. Бир сўзнинг ўзини турли вазият ва турли кўринишда ишлатиш имкониятини берувчи ҳолатни топиш ёки яратиш керак. Бола билан мулоқотни шундай ташкил қилиш керакки, у доимо катталарга муурожаат қилиш эҳтиёжини, ниманидир сўрашга эҳтиёжни, уни қизиқтирган нарсани сўрашни ҳис этсин – оғзаки нутқ, сўз асосий мулоқотига айлансин. Бола доимо ота-онаси билан мулоқотда бўлишга, мактабдаги ҳодисаларни сўзлаб беришга истак билдирсин. Албатта, кар боланинг сўзлаб бериши доим ҳам талаффуз ва грамматик тузилиш жиҳатдан тўғри бўлавермайди. Бундай ҳолатларда болага танбех бериш, унинг хатолари учун уялтириш мумкин эмас. Хатоларни тузатишга кўмаклашиш, тўғри ҳолатда талаффузни такрорлатиш ва керакли сўзни топишга ёрдам бериш керак. Бундай ёндашувда кар болалар керакли сўзларни ўз ўрнида қўллашни тезроқ ва яхшироқ ўзлаштирадилар ва энг муҳими – уларда мулоқотга бўлган эҳтиёж сўнмайди. Айрим пайтларда ота-оналар бола истакларини у ҳали сўз орқали ўз истагини баён қилмасидан олдин топиб бажаришга ҳаракат қиладилар, масалан, бола кўли билан ширинликка интилиб, ҳали сўз билан ўз истагини баён қилмасидан олдин, унга ширинликни

берадилар. Бундай ҳолатлар такрорланса, бола оғзаки мулоқот қилиш эҳтиёжидан воз кеча бошлайди. Бола билан суҳбатни шундай ташкил этиш керакки, бола саволга жавоб бериш вазифасига рўбарў келсин. Бу бола нутқини ривожлантиради, уни диалогга ўргатади. Бунда кар боладан доимо тўлиқ жавобни талаб қилиш керак эмас. Жавоблар қисқа бўлиши мумкин. Масалан:

- Сен отанг билан қаерга бординг?
- Кинога
- Нима томоша қилдинглар?
- Мультфильмлар.

Мулоқотда тўлиқ бўлмаган гаплардан фойдаланиш эшитиши нормал бўлган шахслар мулоқоти учун ҳам табиий ва характерлидир. Тўлиқсиз гаплар мулоқотни жонлантиради. Кар болаларнинг тўлиқ бўлмаган гаплардан фойдаланиши эса сўзларни идрок этилиши ва оғзаки нутқда қўлланилишини осонлаштиради, атрофдагилар билан нутқий мулоқотни ўрнатишга ёрдам беради.

Ота-она ва боланинг нутқий мулоқоти эшитув-кўрув асосида ташкил этилиши керак, чунки бола оғзаки нутқни сўзловчининг лаблари орқали кўриб индивидуал овоз кучайтирувчи аппарати ёрдамида эшитиш орқали эшитиб идрок этади. Бироқ эшитишда нуқсон бўлган бола ҳар доим ҳам ушбу усулда унга гапирилаётган гапларни тушуниш имкониятига эга бўлавермайди. Бундай ҳолатда бармоқли алифбо (дактилогия) ёрдам беради. У нутқга ўргатиш жараёнида ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилади. Дактил белгилари ҳарфларга мос ҳолатда бўлиб, алифбода нечта ҳарф мавжуд бўлса, дактилда ҳам ҳарфлар сони шунчадир. Дактилологияни мимик имо-ишора нутқи билан адаштириш керак эмас. Имо-ишоранинг асоси ҳар бири ўз аҳамиятига эга бўлган ишоралар тизими ҳисобланади. Ишораларнинг миқдори нутқда мавжуд сўзлар миқдоридан анчагина камдир. Имо-ишора нутқининг синтаксиси ҳам оғзаки нутқдан фарқ қилади. Бу нутқдан оғзаки нутқни ўзлаштирамаган инсон фойдаланиши мумкин. Имо-ишорадан кенг фойдаланиш ҳам оғзаки нутқни ўзлаштиришга ёрдам бера олмайди. Дактил нутқи оғзаки нутқдан кўра кар бола томонидан тез ва осон идрок этилади ва ўзлаштирилади. Қўл алифбоси ва дактил нутқини ўзлаштириб олган боланинг луғати тез кенгайди, товушларнинг грамматик тузилишини, ўқишни тезроқ ўзлаштиради, атрофдагилар билан осон мулоқотга киришади.

Дактилогия кар болада оғзаки нутқни тўлиқ идрок этилишини ва талаффуз малакаларини шакллантиришини таъминлайди. Дактил нутқига ўргатишда асосий роль бола билан мулоқот қилишга берилади. Сўнгра аста-секинлик билан, умумий ва нутқий ривожланиш ўсиб боргани сари, нутқни эшитув-кўрув идроки ривожлангани сари, дактил нутқига бўлган эҳтиёж ўз-ўзидан иккинчи ўринга ўтади ва оғзаки нутқ мулоқотнинг етакчи шаклига айланади. Бироқ бола ўз фикрини оғзаки баён этишга қийналса, унга қаратилган нутқни тушунишга қийналса, яна дактилологияга мурожаат қилади. Масалан, бола онасининг унга қарата айтган гапини тушунмади. Аввал мана шу гапни яна икки мартаба такрорлаш керак. Агар бола бу ҳолатда ҳам

тушунмаса, оғзаки нутқ дактил нутқи билан биргаликда гапни такрорлаши керак бўлади. Бундай оғзаки – дактил сўзлашуви боланинг ҳар бир сўз ва гапни тўғри идрок этишга ва ҳар бир сўзни алоҳида талаффуз қилишига ёрдам беради. Кейин худди шу гапни кўрув-эшитув идроки орқали ўзлаштириш таклиф этилади. Бола билан мулоқот қилиш чоғида дактил нутқидан эркин фойдаланиш учун, оғзаки нутқдан ортда қолмаслик учун тез ва тўғри дактиллашнинг ўзи камлик қилади, яна боланинг дактил нутқини ҳам тушуна олиш керакдир. Бу боланинг дактил ва оғзаки нутқида учрайдиган хатоларнинг олдини олишда ёрдам беради.

Ҳар қандай бола каби кар бола ҳам мулоқот эҳтиёжига эга бўлади. Муҳими, ушбу эҳтиёж нутқий мулоқот асосида қурилсин, бола атрофдагилар билан мулоқотга киришсин ва бунда оғзаки нутқ асосий восита бўлсин. Болада нутқий мулоқот эҳтиёжи ва кўникмасининг ҳосил бўлишида ота-оналарнинг ўзаро оғзаки нутқ ёрдамида мулоқот қилаётганларини кўради; агар болага ҳам худди шундай мурожаат қилсалар, қандайдир ишоралардан фойдаланмасалар, боладан ҳам сўз ва гапларни аниқ талаффуз қилишни талаб қилсалар у ҳам оғзаки нутқ воситасида мулоқот қилишга интилади.

(7-8 ёшли) Кар боланинг мулоқот қилишга бўлган эҳтиёжини қондиришга керакли нутқий материал шакли ва мазмуни жиҳатидан ҳам турличадир. Уларни бола тез ўзлаштира олмайди. Бироқ, керакли сўз ва гапларга бўлган эҳтиёж боланинг фаолияти билан боғлиқ бўлишини ҳисобга олсак, ота-оналар бола машғул бўлувчи машғулотларни назорат қилиши мумкин дир ва бу билан турли нутқий материални ўзлаштиришларига эришиш мумкин. Уйда бола билан нималар қилиш керак, нималар ҳақида гаплашиш керак, нималарга эътибор бериш керак, нималар билан таништириш кераклигининг барчасини ота-оналарга ўқитувчи ўргатади, айтиб туради. Синфда ўтилган ўқув материали, оиланинг имкониятлари, боланинг лаёқатидан келиб чиқиб, педагог суҳбат учун мавзунини тавсия этади, у ёки бу машғулотни ташкил этиш борасида маслаҳат беради, болага нималар дейиш кераклиги, қандай гаплар ва иборалардан фойдаланиш кераклигини тушунтиради.

Боланинг мактабдан ташқари фаолияти жуда турличадир: сайр, ўйинлар, уйдаги маиший меҳнат ва ҳ.к.

Барча болалар, шу жумладан кар болалар ҳам ҳаракатли, стол устида ўйналувчи ўйинларни ўйнашни яхши кўрадилар, қуриш-ясаш ишларига қизиқадилар. Бу машғулотлар атроф-муҳитдаги ҳаётни акс эттириши, жуда кўп нарса ва ҳодисаларни ўзлаштиришга ёрдам бериши билан фойдалидир. Болалар катталарнинг ёрдамсиз соатлаб мустақил ўйнашлари мумкин. Бироқ боланинг ривожланиши учун вақти-вақти билан ота-оналарнинг болалар машғулотларига қўшилишлари муҳимдир. Бола билан ўйнаш давомида катталар ўйин мазмунига таъсир этишлари, бола фаолиятини керакли йўналишга мақсадли йўналтиришлари, унинг ривожланишини бошқаришлари ва тажрибасини орттиришлари мумкин. Ҳамкорликда ўйнаш вақтида бош қаҳрамон болалар бўлишлари, қизиқувчан

бўлишлари ва уларнинг ташаббуслари катталар томонидан сўндирилмаслиги керак. Ҳамкорликдаги ўйин нутқсиз амалга ошмаганлиги сабабли, катталар бола билан нутқий мулоқотни ташкил этишлари керак: саволлар, топшириқлар, таклифлар билан мурожаат қилиш, ўйинда ишлатилаётган нарсалар ва улар билан бажарилаётган ҳаракатларни номлаш керақдир. Катталар нутқидан болалар ўзларига керакли бўлган сўз ва ибораларни ўзлаштириб оладилар, кейинчалик эса уларни ўз нутқларида қўллайдилар. Шунинг учун тўғри нутқ намуналарини болаларга кўрсатиш ва уларни такрорлатиш керак. Бола катталар кетидан нарсаларни номлатиш, нима қилмоқчи эканини гапириб бериши ёки бажариб бўлганини сўзлаб бериши, ўз истак ва хоҳишларини баён қилиши керак. Бола фаолиятининг барча жараёнида нутқий мулоқот ташкил этилиши ва биргаликда олиб борилиши керак. Масалан, ота ўғлига велосипед конструкторининг қисмларини йиғишга кўмаклашяпти. Ота ва боланинг мулоқоти қуйидагича бўлиши мумкин: «Сен нима қиляпсан?» «Велосипед ясаёпман». «Кел бирга ясаймиз. Сен нима қилиб бўлдинг?» - «Мен олдим...» - «Бу унинг филдираги» (отаси номаълум сўзни айтади). «Иккинчи филдирагини ол» - «Филдирак қандай?» - «Қора» - «яначи?» - «Думалоқ» ва ҳ.к.

Мана шу тарзда ота ҳамкорликдаги фаолиятдан фойдаланиб, боласини гапиришга ундамоқда, унга янги сўзларни тушунтирмоқда, тўғри нутқ намуналарини бермоқда, уларни такрорлатмоқда. Бир сўз турли гапларда ҳар хил сўзлар билан ҳамкорликда қўлланилишини болага эшиттириш керак. Мана шундай янги сўзнинг қўлланилиши уни гапдан ажратади, унинг маъноси кенгайди, номни билдирувчи сўздан, тушунчани билдирувчи сўзга айланади. Нарсалар номи ва уларнинг ҳаракатларининг номини ўзлаштиришлари учун болалар нарсаларни ишлатишлари ва ўз ишларини тасвирлаб бериш жараёнида ўз нутқларида янги сўзларни қўллашлари керак. Нарсалар билан ишлаш, болаларнинг предметли-амалий фаолиятлари (расм чизиш, ёпиштириш, лой иши, қуриш-ясаш ва бошқалар) катталар билан нутқий мулоқот қилиш билан ҳамкорликда олиб борилса кар боланинг нутқий ривожланишига ёрдам беради.

Фаол нутқий мулоқотни сайр вақтида бола билан давом эттириш керақдир. Мулоқот мавзуси сифатида об-ҳаво, у билан боғлиқ бўлган табиатдаги ўзгаришлар, инсонлар ва нарсаларни ўраб турган атроф-муҳит бўлиши мумкин. Хаттоки оддийгина кўчадаги сайр ҳам болага жуда қизиқ бўлиши мумкин, бунинг учун катталар боланинг эътиборини улар яшайдиган кўча номига, у ерда қурилган уйларга, дўконлар ва бошқа муассасаларга, ҳамда қандай транспортлар мавжудлигига қаратиш керак. Бундай суҳбатларни болаларнинг кузатувчанлигини ошириш мақсадида қўллаш керак. Масалан, қандай уйлар кўп, қандай дарахт (гул)лар ўсади, айрим нарсаларнинг шакли ва ранги қандай каби саволларни бериш мумкин. Болага ҳар доим ҳам тайёр маълумот бериш керак эмас. Боланинг ўзи ҳам таҳлил қилиш ва хулоса чиқаришга имкон яратиши керак. Катталар йўналтирувчи саволлар ёрдамида бола фикрини бошқариш, йўналтириши керак. Масалан, онаси

ўғлининг эътиборини кўчада кўлмакларнинг кўплигига, сувларнинг оқишига, қор эса кулранг тусга киргани ва ифлосланганига қаратади ва бунинг сабаби нима эканлигини ўйлаб кўришни таклиф этади. Кейин эса ўғлига ўз фикрини тўғри баён этишга ёрдам беради: «Кўёш чарақляпти. Кунлар исиди. Қор эриб, сувлар оқмоқда». Кар бола ўз кузатишларини баён этиш чоғида катталарга бу қизиқ ва муҳимлигини кўриши муҳимдир, унинг устидан тузатишлари муҳимдир. Ота-оналар ва болаларнинг барча суҳбатлари давомида ишонч ва ўзаро ҳурмат муҳити муҳим ҳисобланади. Табиийки, боланинг ўсиши ва ривожланиши давомида суҳбатлар мазмуни ва шаклини мураккаблаштириб бориш керак бўлади.

Катта бўлгач болаларнинг қизиқишлари ҳам ўзгаради. 10-12 ёшли болалар билан музей, кўрғазмаларга бориш, тарихий ва архитекторлик ҳайкаллари билан таништириш мақсадга мувофиқдир. Музей ва бошқа жойларга уюштирилган сайрлар доимий суҳбатлар билан биргаликда олиб борилиши керак, улардан эса кар болалар янги билим ва табиийки, янги сўз бирикмалари ва ибораларни ўзлаштириб олади.

Боланинг ҳаёти ва тарбиясида ота-оналарнинг болани уйдаги хўжалик ишларига жалб эта олишлари катта ўрин эгаллайди. Энг оддий кундалик меҳнат вазифалари боланинг ривожланишида катта ўрин эгаллаши, ижобий шахс сифатларининг шаклланишига таъсир этиши мумкин. Маиший меҳнатга қизиқишни тарбиялаш, катталарга ёрдам бериш эҳтиёжини юзага келтириш учун бола эътиборини унинг иши натижаларига қаратиш керак: «Сен йиғиштиришга ёрдам берганинг учун хона тоза турибти ва ҳ.к.». Боланинг меҳнат фаолиятини бошқариш, ишлашнинг тўғри усулларини кўрсатиш керак.

Кичик мактаб ёшидаги кар боланинг фаолиятини ташкил этаётиб, у ўзига қаратилган мурожаатни, сўзларни ва топшириқларни ҳар доим ҳам тушунмаганлиги сабабли унга буюрилган ишни кўпинча бажара олмаслигини ота-оналар тушунишлари керак. Масалан, боладан хонани йиғиштириш сўралади. Лекин аввал ҳар бир ҳаракат бўйича кўрсатма бериш керак: ўйинчоқларни йиғиштириш, чангларни арт, полни супур ва ҳ.к. Бундай топшириқлар нафақат меҳнат малакаларининг шаклланишига, балки боланинг нутқий ривожланиши учун ҳам муҳимдир, чунки ҳар бир меҳнат вазифаси нутқ билан бирга ҳамкорликда олиб борилади. Аста-секинлик билан болада ҳаракатларнинг кетма-кет занжири шаклланади, улар умумий характердаги топшириқларнинг йиғиндисини ташкил этади. Бола ушбу топшириқларни тушуниши ва тўғри бажариши ва бажарганлари ҳақида гапириб беришни бошлайди.

Болалар севиб бажарувчи уй юмушларидан бири биргаликда китоб ўқишдир. Кар болада китобга қизиқиш уйғотиш, китобни ўқиш ва ёзилганларни тўғри тушунишга ўргатиш – боланинг умумий ривожланишида муҳим восита ҳисобланади. Атрофдагилар билан мулоқот қилишнинг қийинлашганлиги шароитида кар бола учун китоб энг аниқ маълумот манбаи бўлиб қолади. Ота-оналар фарзандлари билан китоб ўқишга қанчалик кўп

эътибор қаратсалар, қанчалик тез болани мустақил китоб ўқишга ўргатсалар, боланинг нутқи ҳикоя ва матнлардаги сўз ва иборалар ҳисобига бойиб боради, унинг тафаккури шунчалик ривожланади.

Ўқиш яна жуда кўп тарбиявий имкониятларга ҳам эга. Матнларни ўқиш жараёнида боланинг ахлоқий тасаввурларини шакллантириш мумкин, унинг ҳисларини тарбиялаш мумкин. Китоблар атроф-олам ҳақидаги болаларнинг аниқ тасаввурларини кенгайтиради ва тўлдиради, у ёки бу ходиса ва қилмишга нисбатан маълум муносабатни шакллантиради.

Ўқиш учун боланинг ёшига мос келувчи болалар бадиий адабиёти қўлланилиши мумкин. Нисбатан мураккаб матнни мослаштириш – асосий сюжетнинг ғоявий маъносини ўзгартирмаган ҳолда қисқартириш керак. Ота-оналарга матнни мослаштиришда мактаб сурдопедогоги ёрдам бериши мумкин. Ўқишга мўлжалланган китоб танловида кўрғазма расмларнинг миқдори ва сифати ҳам алоҳида эътиборга олинади. Боланинг эътибори вазиятни аниқлашга ёрдам берувчи, матн мазмунини ёритуви, янги тушунчаларни сўзлар ёрдамида тушунтирувчи расмларга қаратилиши керак. Расмлар ўқилганлар мазмунини тушунишдаги қийинчиликларни енгишга ёрдам беради.

Энг муҳими, онгли ўқишга эришишдир, яъни болалар ўқилган матн мазмунини тушунишлари, унинг ғоявий маъносини англашлари, тасвирланганларга ўз муносабатларини билдира олишларидир. Бунга эса матнни тушунишга ёрдам берувчи турли махсус усулларни: ўқилганлар бўйича расмлар кўриш, саҳналаштириш, суҳбат уюштириш қўллаш орқали эришилади. Худди шундай, бола ота-онаси билан «Ур тўқмоқ» эртагини ўқиди. Болага эртақ матни бўйича битта ёки бир нечта расм чизишни, эртақнинг айрим қисмларини тасвирлашни таклиф

этиш мумкин. Албатта, ушбу расмлар чизма кўринишига эга бўлиши мумкин. Кейин расмларни матн билан таққосланади, бола билан эртақ мазмуни тўғри тушунилганми ёки йўқми эканлигини кўриб чиқилади, хатолар топилади ва тўғриланади. Расмларни муҳокама қилиш ва айнан тасвирланган вазиятга эртақдан матн қисмларини топиб мослаш жуда муҳимдир. Саҳналаштириш эса драматик мазмунга эга бўлган асар мазмунини аниқлашга ёрдам беради. Саҳналаштиришда бола ва катта киши матнни қисмлаб ўқишади ва ўқилганларга мос ҳаракатларни бажарадилар, китобдаги қаҳрамонлар тилидан гапирилган гапларни такрорлайдилар. Матнни яхшироқ англаш учун китобдаги расмлардан фойдаланилади. Аввал матн бўлаги ўқилади, кейин эса расмларга айрим гаплар ёки бўлакчалар танланади, матн гапириб берилади ва гапириш жараёнида расмларга таянилади. Яна бир самарали усул – ўқилганлар ҳақидаги суҳбатдир, бу жараёнда бола матн мазмунини тўғри тушунгани ёки йўқми, матндаги сабаб-оқибат боғлиқлигини англай олгани аниқланади. Масалан, «Моҳир қўллар» эртаги ўқилгач, болага қуйидаги саволларни бериш мумкин: «Кимни моҳир қўллар деб аташган?», «Нима сабабдан қизчани моҳир қўл деб чақиришган?», «Нима сабабли онаси қизидан хурсанд эди?», «Сен нима қилишни биласан?». Ушбу саволлар болани: «Қизча барча нарсани ўзи қила олади, яхши бажаради», деган хулосага олиб келади. Жавоблар ўз тилидан ёки матндан олинган гаплар, сўзлар орқали берилиши мумкин.

